

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИ+УЛ НОРМУРОДОВ

СОЦИОЛИНГВИСТИКА
(услубий кўлланма)



ТЕРМИЗ-2008

Ушбу услубий қўлланма ўзбек тилшунослиги кафедрасининг 2008-йил, 29-августдаги 1-сонли йиғилишида тасдиқланган.

Социолингвистика

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори,
профессор. Тожиев Ё.

Такризчилар: филология фанлари номзоди, доцент.
Абдурасулов Ё.
филология фанлари номзоди, доцент.
Омонтурдиев А.

Тил жамият ҳаётининг энг муҳим ҳодисаларидан бири ҳисобланиб, жамият тараққиётининг турли даврларида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб келди. Айниқса, жамият аъзоларининг ҳулқ-атворини, муомала маданиятини, урф-одатларини, ҳаёт тарзини тил орқали акс этиши юқоридаги фикрни тўлиқ тасдиқлайди. Шунга кўра, мазкур фан бугунги ҳаётимизнинг муҳим ва долзарб масалаларини ўрганишимизга асос бўлади. Зеро, талабалар ушбу услубий қўлланмани ўқиш-ўрганиш орқали ижтимоий муҳитда тил қонуниятларини тадбиқ этишнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиб оладилар.

СЎЗБОШИ

Умумтилшуносликда, жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам, кейинги йилларда ижтимоий тилшунослик соҳасига эътибор бирмунча кучайди. Социология ва тилшунослик соҳаларининг туташ нуқтасида пайдо бўлган ва тадқиқ этилаётган мазкур фаннинг тараққиёти соҳаларнинг қай даражада ўрганилганлигига боғлиқ, албатта. Бошқача айтганда, ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг у ёки бу даражада тилда акс этиши табиий ҳол.

Бироқ бу жараённинг узок йиллар давомида эътироф этилмай келганлиги социолингвистика соҳасининг ривожига бир қадар салбий таъсир кўрсатди.

Адабий тилнинг ноадабий тил воситалари (шева, диалект, жаргон, арго ва бошқалар) ҳисобига ривожланиши, тараққий этиши тилшуносларга маълум. Шундай экан, ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлган бу каби ҳодисалар адабий тил учун битмас-туганмас заҳира эканлигини унутмаслик керак.

Шу муносабат билан социолингвистиканинг назарий асосларига бағишланган ишлар юзага кела бошлади. Ижтимоий ва тилшунослик соҳаларининг ҳосиласи бўлган мазкур фан фалсафа, этика, эстетика, мантик, психология, этнография, тарих ва шу каби илмларни чуқур билишни ҳам талаб қилади.

Етук тилшунос олимлардан Ю.Д.Дешериев, В.М.Жирмунский, Л.Б.Николский, А.Д.Швейцар кабиларнинг ижтимоий тилшуносликка бағишланган илмий асарлари мазкур соҳанинг шаклланишига асос бўлади.

Ўзбек тилшунослигида ҳам А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, С.Мўминов, А.Маматов каби олимларнинг ишлари таҳсинга лойиқ.

Ана шу масалалар ечимига бағишланган мазкур услубий қўлланма ҳам илғор тажрибаларга таянилган ҳолда ижодий ривожлантирилди, миллий тилимиз имкониятлари доирасида таҳлил қилинди ва бадиий асарлардан олинган айрим мисоллар билан бойитилди.

Ушбу услубий қўлланма олий ўқув юртлари ўзбек тили ва адабиёти бакалавр йўналиши талабаларига мўлжаллаб ёзилди.

Шубҳасиз, иш янги соҳадаги илк уриниш бўлганлиги боис айрим камчиликлардан ҳоли эмас. Ишонч билан айтамикки, келажакда мазкур соҳа ҳақидаги ишлар ўз ижобий поёнига етади.

КИРИШ

СОЦИОЛИНГВИСТИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ, МА+САД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. Фан ҳақида умумий тушунча
2. Фаннинг методологик йўналиши
3. Социолингвистиканинг маъно мундарижаси
4. Фаннинг мақсад ва вазифалари

Биз шундай жамиятда яшайпмизки, ижтимоий фан соҳалари анча нисбий характерга эга бўлмоқда. Бундай фанларга социолингвистика мисол бўла олади. У **социология** ва **тилшунослик** фанларининг туташ жойида ривожланаётган соҳадир.

Дарҳақиқат, социолингвистика тилшунослик йўналишидаги фан бўлиб, ижтимоий муносабатларда тилнинг тутган ўрнини, тил тараққиётини ва тилнинг функционал жиҳатларини ҳамда жамият тил учун, тил эса жамият учун хизмат қилишини ўрганади.

Дарҳақиқат, социолингвистика шаклланиш, қурилиш, тараққиёт нуқтаи назаридан тилнинг ижтимоий шартланганлиги, **«тилнинг жамиятга, жамиятнинг тилга таъсирини»** ўрганувчи фан сифатида қаралмоғи лозим. Ваҳоланки, ижтимоий лингвистика ҳаёт қонуниятларини тил фактлари асосида ўрганар экан, унинг ўзига хос хусусиятларини англамоқ ва тушуниб етмоқ лозим бўлади. Авваламбор, социолингвистикани бир неча термин остида номланиши бунга яққол мисолдир. Жумладан, **«ижтимоий тил»**, **«ижтимоий тилшунослик»**, **«тилшуносликнинг ижтимоийлиги»**, **«фалсафий тилшунослик»**, **«тилнинг ижтимоийлиги»**, **«социолингвистика»** каби атамалар билан номлашлар бу фаннинг ўзига хос хусусиятга эга эканлигидан далолатдир.

Социолингвистика термини тилшуносликда биринчи бор 1952 йилда америкалик тадқиқотчи Х. Карри томонидан тадбиқ этилган бўлиб, бу термин остидаги тушунчалар, умуман, тилшуносликнинг аллақачон пайдо бўлганлигини англатиш билан бирга, ундан асосий кўзланган мақсад тилнинг умумбашарий тушунча сифатида пайдо бўлганлигини эътироф этишдир.

20-30 йилларда рус тилшунос олимлари бу фанни икки хил номлаш асосида ўрганиб келдилар. **«социальная лингвистика»**, **«социолингвистика»** каби атамалар ўша давр руҳи билан боғлиқ тарзда ҳосил қилинган эди. Кейинчалик, аниқроғи 50-йилларга келиб «социолингвистика» терминини ҳаётга тадбиқ этиш маъқул вариант деб топилди. Негаки, тилнинг ҳаёт билан, жамият билан чамбарчас боғлиқлиги, миллий анъана ва миллий кадриятлар, шунингдек, миллатга хос урф-одатларнинг шаклланиши ва юзага келиши социолингвистика терминига мосдир. Фанни шу тарзда номлаш ҳеч қандай мушкулотни юзага келтирмайди. Сабаб **«социолингвистика»** термини, қайд этиб ўтилганидек, икки соҳа туташ нуқтасида юзага келган, бу ўз навбатида фанлараро муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил бўла олади.

Социолингвистикани фан сифатида ўрганиш жараёнида унинг умуминсоний ҳамда сиёсий хусусиятлари, жумладан, тил ва жамият, тил ва

мафкура, тил ва тафаккур, тил ва халқ, тил ва ёш, тил ва жинс, давлат институтларида тил, тил тараққиётини режалаштириш, шунингдек, тилнинг фалсафий хусусиятларини ўрганиш лозим бўлади. Шундай экан, социолингвистикани ўрганиш ва тадбиқ этиш жараёнида унинг ижтимоий-лисоний омил сифатида ҳаёт ва жамиятда тутган ўрни баҳоланади. Шу орқали социолингвистика ва умумий фанлар назариялари ҳақида маълумотга эга бўламиз. Айниқса, кўпгина тилшунос олимлар наздида **«социолингвистика»** ни фалсафий тилшунослик деб қарашлар ҳам бу фанни бошқа фанлар билан узвий алоқадорлигини англатади. Ҳолбуки, собиқ иттифоқ даврида кўпгина тилшунос олимлар **«социолингвистика»**ни ўрганиш жараёнида турли хил фалсафий мушоҳадалар юритишди. Уларнинг айримлари материалистик нуқтаи назардан ёндошган бўлсалар, баъзилари эса идеалистик нуқтаи назардан қараб келдилар. Биз эса ижтимоий тилшунослик масалаларини тўғри баҳолаш ва аниқлашни ҳаёт ва жамият тараққиёти билан узвий боғлаб ўрганамиз. Жумладан, О.Ахманованинг **«Лингвистик терминлар луғати»** ёки А. Ҳожиёвнинг **«Лингвистик терминларнинг қисқача изоҳли луғати»** ни кўздан кечириш орқали ҳам бу масалага ойдинлик киритиш мумкин. Хусусан, О.Ахманова луғатида **«социолингвистика»** термини **«ижтимоий лингвистика»** **«тилшуносликнинг ижтимоийлиги»** деб аталиши асосида қуйдагича маъно келиб чиқади. Биринчидан, тилнинг умуминсоний муносабатлардаги ўрни, тил ва жамият ўртасидаги хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш тадбиқ этилса, иккинчидан, тилшуносликнинг ижтимоий муносабатлардаги турли хил вазифавий хусусияти ва алоқадорлиги (масалан: ижтимоий диалект, ҳудудий диалектлар, арго ва жаргонлар) ва ҳоказолар тил ва жамият ўртасидаги муштаракликни боғлашга хизмат қилиши таъкидланади. Иккинчи вазиятда ижтимоий диалектларнинг ижтимоий тил моҳиятларини белгиловчи хусусиятлари фақат ижтимоий диалект сифатида эмас, балки профессионал нутқ, койне ва ҳ.к тарзда тушунилади. Кўринадики, социолингвистиканинг асосий муаммоси **«тил ва жамият»** ўртасидаги муносабатларни ўрганишдан иборатдир. Шундай экан, тил ва жамият муносабатлари ўртасидаги бу боғлиқлик тил ва жамият тараққиётининг узвий кўринишидир.

Социолингвистика предметини академик В. Жирмунский тор маънода таъкидлаб; социолингвистика ўзаро икки томонлама боғлиқ муносабатлар асосида туташ топган,- деган хулосага келади, яъни:

1. Ижтимоий тил дифференциацияси синфий жамият учун хизмат қилиб, унинг тарихий қатламларини ўрганади. Бунда ижтимоий лингвистика тарихий тараққиёт даврининг турли хил қатламлари ва унинг қонуниятларини ўрганиши назарда тутилади.

2. Тилнинг ижтимоий қатламлари тараққиётини, унинг ўтмиш тарихини белгиловчи омил сифатида хизмат қилади, дейди. Шунингдек, В. Жирмунский

«социолингвистика»ни *синхрон* ва *диахрон* тарзда ўрганишни маъқул, деб билади.

Профессор Б. Головин эса «социолингвистика» фанини тор ва кенг маънода талқин этишни мақсадга мувофиқ деб билади. Чунки социолингвистика функционал (**вазифавий**) маъно касб этиб, у тил қурилиши тараққиётига хизмат қилишини таъкидлайди ва тилнинг вазифавий хусусиятлари билан боғлиқ,- деган хулосага келади. Айни пайтда, Б.Головин социолингвистика терминининг 7 хил хусусиятларини санаб ўтади¹:

- а) дифференцияга хосланиши (худудий диалектлар, қатламлар);
- б) тилнинг умуминсоний хусусиятлари (унда ёзма ва оғзаки тил қонуниятлари назарда тутилади);
- в) тилнинг нутқ жараёнидаги ҳолати (диалогик, монологик нутқ кўринишлари);
- г) ижтимоий жамиятнинг коллектив билан боғлиқлиги тилнинг функционал (**вазифавий**) белгилари;
- д) ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий тил қатламлари мажмуаси (профессионал нутқ, халқ мақоллари вариантлари);
- е) бадиий тилнинг тур ва хусусиятлари (*эпик, драматик, лирик жанрлар*);

ж) автор сўзи ва унинг характерли белгилари (хусусийлик, вариант, вариантлик) Б.Головин назариясига кўра, социолингвистикани бирлаштирувчи маънодаги соҳалари бўлиб, тилнинг умумжамият тараққиётидаги хизматини, тил аъзолари ва унинг жамият учун хизмат қилишини алоҳида таъкидлайди. Жумладан, ижтимоий тил ҳаммага баравар, яъни ишчи, деҳқон, хизматчи, зиёлиларга ҳам хизмат қилади. Головиндан кейин таниқли тилшунос олим Ф. Филин ҳам «**тил жамият**» учун хизмат қилувчи ижтимоий ҳодисадир², деб таъкидлайди. Унинг қарашларича, социолингвистикани тушуниш учун уч хил масалани мукамал билиш лозим:

- а) ижтимоий муносабатларда тил факторларига асосланиш, шу жумладан, тил қурилиши масаласи. Бунда, шубҳасиз, тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатида жамият ҳаётида тутган ўрни, айни замонда унинг ижтимоий фактор сифатида эътироф этилиши ҳисобга олинishi лозим;
- б) тилнинг умум вазифавий белгиларини тушуниш;
- в) тилнинг жамият тараққиётидаги ўрни, социолингвистика ва уни ҳаётга тадбиқ этишда муҳим омил саналади. Бунда, шубҳасиз умумтил қонуниятларини белгилашда ижтимоий тил факторлари муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Г.Степанов, Ю. Дешериев, Н.Никольский, А.Швейцар каби олимлар ҳам социолингвистика муаммолари ва унинг маъно мундарижаси хусусида кўпгина мулоҳазалар юритишган. Хусусан, Ю. Дешериев

¹ Головин Б. Вопросы социальной дифференциации языка // Вопросы социальной лингвистики. - Л.: «Наука», 1969. -С.345.

² Филин Ф. Очерки по теории языкознания. -М.: «Наука», 1982. -С.131.

социолингвистиканинг маъно мундарижаси ва уни текшириш жараёнида икки томонлама ёндошмоқ керак дейди³:

1) **Тил ва жамият ўртасидаги муносабатларни яхши билиш.** Тил жамиятга, жамият тилга қандай таъсир қилади, яъни тил жамият аъзолари учун битмас-туганмас ижтимоий манба эканлиги, айна пайтда жамият аъзолари тил ва унинг тараққиёти учун қайғуриши лозимлиги кўрсатилиб ўтилади. Бу ўз-ўзидан тил ва жамият ўртасидаги муносабатларни яхши билиш ва ҳис этишни тақозо қилади.

2) **Ижтимоий тилшунослик ижтимоий факторларни ўрганувчи, нутқий жараённи текширувчи** ҳамда шу факторларни таҳлил этиш жараёнида тил қурилиши тараққиётига таъсир қилувчи мустақил фан эканлигини алоҳида уқтириб ўтади. Шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда, социолингвистикани ўрганиш асосида қуйидаги мақсад ва вазифалар ётади:

1. **Тилнинг ижтимоий вазифаси**-унинг шаклланиш жиҳатидан аниқ тарихий меъёрларига боғлиқ эканлиги. Айтайлик, ўзбек тили шаклланиш нуқтаи назаридан аниқ факторларга таянади ва ижтимоий муҳит тарзи билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келди.

2. **Тилнинг ҳаётий кўринишлари**, унинг адабий ва ноадабий шакллари, жонли сўзлашув, ҳудудий ва ижтимоий кўринишлари;

3. **Ижтимоий, функционал (вазифавий)** ва ҳудудий жиҳатдан асосий бўлинишлари тилнинг ижтимоий-услугий бўлинишига ижтимоий муҳит, нутқ шакллари унинг таъсирини ҳис этиш лозим;

4. **Тилнинг ижтимоий коммуникатив** (алоқа-аралашув) тизими, унинг қисмлари, икки тиллилиқ (**билингвизм**) ва диглоссия (**бир тилнинг икки шаклидан фойдаланиши**);

5. **Тил тараққиётининг ижтимоий шаклланганлиги**: уруғ- қабила, халқ, миллат тиллари, миллатлараро тиллар, оралик (**воситачи**) тиллар, койне (**умум тил**) кабилар.

6. **Адабий тилнинг вазифасини аниқлаш** ва унинг белгилари. Тилда норма, тилнинг услубий бўлинишининг экстралингвистик яъни, тилдан ташқари мавжуд ижтимоий бирликлар мажмуаси (нутқ мазмуни ва йўналиши: адресант ва адресат, шох-шоҳ, аср-асир, хол-хол) ҳодисалари;

7. **Сўзловчининг ижтимоий белгиларига** (ёшига, билимига, вазифасига) кўра нутқининг кўп вариантлилика эга эканлигини тушуниб етиш;

8. **Тилларни социолингвистик тасниф қилиш**, умумжаҳон ва келажак тиллари ва уларнинг тараққиёт қонуниятларини тўғри белгилаш ва баҳолаш;

9. **Халқаро восита тиллар муаммоси.** Эсперанто ва бошқа сунъий тиллар, уларнинг қўлланилиш доираси. Интерлингвистика вазифалари борасида ҳам маълум тўхтамга келиш;

³ Дешериев Ю. Социальная лингвистика: К основам общей теории.-М.: «Наука», 1977.-С. 126.

10. **Инсон ва тил.** Тил ички қурилиши тараққиётида инсон тилининг таъсири, ёзув, орфоэпия ва пунктуацияга илмий ишлов бериш масаласида ҳам аниқ бир фикрга келиш;

11. Ижтимоий диалектологияни социолингвистиканинг бир қисми сифатида ўрганиш, яъни диалектал қатлам ва унинг турли хил кўринишларини ҳаётга тадбиқ этиш орқали диалектологик муаммоларни ҳал қилиш;

12. Социолингвистика қурилиш метод (услуг)ларига материал йиғиш ва уни ишлаш усуллари.

13. Ҳозирги социолингвистика қурилиши. Синхрон ва диахрон социолингвистика муаммоларини тўғри ҳал этиш;

14. Социолингвистика тарихи каби масалалар ижтимоий тилшунослик предметини белгиловчи мақсад ва вазифалардир.

Шундай қилиб, социолингвистика ҳақида фикр юритиш қайсидир маънода тил ва жамият билан боғлиқ тушунчаларни назарий жиҳатдан текшириш ва ўрганишни тақозо этади. Бунда, шубҳасиз, тил ва жамият ўртасидаги турли хил муносабатлар узвий муштараклик касб этади. Хулоса шуки, тил ва жамият ўртасидаги ана шу алоқадорлик социолингвистикани яхлит тизимга эга бўлган фан сифатидаги имкониятларини белгилайди.

Савол ва топшириқлар:

1. Социолингвистика тил ва жамиятнинг қандай қонуниятларини ўрганади?
2. Социолингвистика тушунчаси тилшуносликда қандай ҳал этилмоқда?
3. Социолингвистика термини ва у билан боғлиқ масалаларнинг ечими?
4. Социолингвистикани ўрганиш асосида қандай мақсад ва вазифалар кўндаланг қўйилади?

Таянч сўзлар

Ижтимоий лингвистика, тил ва жамият, тил ва мафкура, тил ва тафаккур, тил ва халқ, фалсафий тилшунослик, умуминсоний муносабатлар, ижтимоий диалект, ҳудудий диалект, тилнинг функциявий-вазифавий хусусиятлари.

СОЦИОЛИНГВИСТИКА ТАРИХИ

Режа:

1. 20-40 йилларда «социолингвистика» фанининг шаклланиши

2. 50-60 йилларда «социолингвистика» фанидаги ўзига хос хусусиятлар

3. 70-80 йилларда «социолингвистика» фанининг асосий муаммолари

4. Ҳозирги давр социолингвистикаси.

Маълумки, 20-30 йиллар мобайнида социолингвистика тилшуносликнинг маълум бир бўғини сифатида юзага келган янги соҳалардан бири бўлди. Бу даврда ижтимоий муносабатларда тилнинг ҳаёт тараққиётидаги ўрнини аниқлашда, тилнинг жамият билан боғлиқ ҳолда шаклланишини текширишда, қолаверса, тил ва жамият тенденциясининг юзага келишида социолингвистика фанининг муҳим ва долзарблиги яққол кўзга ташланиб турди.

Зеро, социолингвистиканинг бу даврда юзага келиши шундай бир ҳолатга тўғри келдики, асосан ҳаётда жамият тараққиёти билан боғлиқ масалаларни қамраб олувчи факторлар тил назариясининг юзага келишида туртки бўлди. Айниқса, тилни билиш ва ҳис этиш умумжамият масалалари билан боғлиқ ижтимоий-лисоний тушунчалар эдики, бу ўз-ўзидан социолингвистиканинг назарий масалаларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этди.

Профессор А. Баранников 1919 йилда ёзган мақоласида шундай фикрларни илгари суради: **«Ҳозирги тилшуносликка эътибор билан қарасак, бу фан ижтимоий тил билимлари ҳисобланиб, фан ва тил қонуниятлари ўртасидаги ўзаро боғланиш мавжуд бўлиб, уни қуйидагича ўрганиш мумкин»**. Биринчидан, тил умумжамият қонуниятлари асосидаги ҳодиса сифатида тушунилса, иккинчидан, тилни бир неча бор даврнинг тараққиёт меваси сифатида ҳис этиш мақсадга мувофиқдир, деган фикрларни илгари суради. Худди шу масалада А. Селишев, Н. Каринский, Б. Ларин сингари таниқли тилшунос олимлар ҳам фикр билдиришиб, социолингвистика тарихи, унинг юзага келиши ва муҳим жиҳатлари хусусида анчагина яхши маълумотларни айтиб ўтади. Хусусан, социолингвистика фани социологик тадқиқотларнинг текшириш объектига хосдир, уни эса ижтимоий диалектлар, бадий асар тилида мавжуд бўлган адабий ва ноадабий тил воситалари қонуниятларига амал қилишини таъкидлашади. Шу билан бирга, ёзма тил, оғзаки тил ва ҳудудий тил кўринишларига хослигини санаб ўтишади.

Машҳур турколог олим Е. Поливанов, академик Н. Марр, профессор. Ф. Филинлар ҳам ушбу масалада анчагина ибратли фикрлар баён этишади. Айрим тилшунос олимлар эса **«социолингвистика»** фанининг муаммоларини ҳал этишда бошқачароқ фикрга келишади. Хусусан, Е. Поливанов қуйидаги масалалар, социолингвистика фани учун асосий муаммолар эканлигини таъкидлайди⁴:

1. Тилни ижтимоий-тарихий фактор сифатида ажрата била олиш. Албатта, бу ерда тилнинг ижтимоий онг маҳсули эканлиги ва бир неча асрлик

⁴ Поливанов Е. Статьи-по общему языкознанию.-М.: «Наука», 1968, - С. 186.

тарих тараққиёти билан боғлиқ равишда ривожланиши, шунга кўра у ижтимоий фактор сифатида қаралиш лозимлиги қайд этилади.

2. Тиллар ва диалектларнинг ёзилишини ижтимоийлик нуқтаи назаридан белгилаш. Маълум бир тилда мавжуд бўлган турли хил диалектлар даставвал оғзаки кўриниш хосил қилади, табиийки, маълум бир давр ўтиши билан ёзма шаклга эга бўлади.

3. Тилни жамиятнинг асосий маҳсулоти тарзида синтез қилиш. Тил жамият ва унинг аъзолари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Чунки жамиятнинг ҳар бир аъзоси тилдан унумли фойдаланиш орқали ўз фикр мулоҳазасини баён этади.

4. Ижтимоий муносабатларда тилни ҳис этмоқлик ва унинг ўзаро боғлиқ жиҳатлари. Ижтимоий муносабатларда тил асосий алоқа-аралашув воситаси сифатида хизмат қилади.

5. Тилнинг яшаш (**мавжудлик**) ёки алоҳида томонларини тўғри баҳолай билиш. Тил мавжуд ходиса, шунингдек, айрим қонуниятларни намоён қилувчи ва ўрганувчи жараён ҳамдир.

6. Фан, маданият тарихида тилнинг умумий фонологик қонуниятларни жорий этишдаги ўрни. Албатта илм-фан, жамият ҳаётида тил муҳим аҳамият касб этади, шунга кўра уни онгли равишда тушуниш, ҳис этиш лозим бўлади.

7. Тил сиёсатида ижтимоий лингвистиканинг устувор жиҳатлари. Ижтимоий лингвистика тил сиёсатида, шубҳасиз, асосий вазифани ўтайди.

20-40 йиллар тилшунослигида ижтимоий лингвистиканинг вазифавий доираси кенгайиб борди. Академик Н. Марр «**Тил ва жамият муҳим қонуниятларни ўзида мужассам эттирган ходисадир**, дейди. Чунки тил синфий тушунчаларга эгадир, негаки, у жамият аъзоларига хизмат қилади», деган ғояларни илгари суради. Ҳолбуки, **тил ва тафаккур, тил ва халқ, тил ва жамият, тил ва давлат, тил ва миллат, тил ва этник гуруҳлар** каби муаммолар тилнинг синфийлиги асосида юзага келишини айтиб ўтади.

30-40 йилларда ўзбек тилшунослигида ҳам ушбу масалаларда муҳим бурилиш бўлди. Хусусан, Фитрат, Элбек, Боту, Фаҳри Камол сингари олимлар қарашларида ана шундай мулоҳазалар ўзбек ижтимоий тилшунослиги фани ғоясини белгилашда муҳим аҳамият касб этди.

50-йилларнинг бошларида миллий тилларни ривожлантириш, тиллар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш, мустаҳкамлаш ва ҳар бир тилни халқ учун хизмат қилиши масаласида анча ишлар амалга оширилди. Бу борада .В. Виноградов, Л.Булаховский, А. Чикобова, Б. Кузнецов, Б. Серебренниковларнинг изланишлари тақсинга лойиқдир. Уларнинг илмий ва ижодий қарашларида ҳар бир миллий тилни янгича таълимотлар асосида ўрганиш масаласи илгари сурилади. Жумладан, академик Н.Марр ҳар бир миллий тилни янгича талқинлар этиш асосида ўрганишни энг муҳим факторлардан бири деб билади, унинг қарашларида «**тил ва жамият**» ўртасидаги боғлиқ муносабатлар, тилнинг синфийлиги, тилнинг миллийлиги

хақидаги ғоялар ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, у миллий тил ва унинг диалектал асоси, адабий тил ва адабий бўлмаган тил унсурларининг мавжудлиги, ижтимоийлиги ҳақида, шунингдек тилларнинг эволюцион тараққиёти масаласида муҳим фикрларни илгари суради. Иккинчидан, тилнинг ижтимоий диалектологик ва ижтимоий дифференцияси хусусидаги қарашларида ҳам муҳим муаммолар ўз ечимини топади. Негаки, бу масалалар ижтимоий тил муаммоларини тўла-тўқис ўрганишга асос бўлади. Хуллас, 20-40 йилларда соқоллингвистикаси ва уни ҳаётга тадбиқ этишнинг дастлабки босқичлари бўлиб ўтди.

50-60 йилларда ижтимоий тилшунослик ҳақидаги назариялар бироз бўлса-да, ривожланди. Сабаби, бу масалада бир неча бор муҳим йиғилишлар бўлиб ўтди. 1952 йилда «**Миллий тиллар муаммоларига доир**», 54-55 йилларда «**Нутқ маданияти**» масаласида, «**Бадий асар тилини нормаллаштириш**» борасидаги баҳслар бунга яққол мисолдир. Бу даврда С. Денисов, В. Виноградов, Ф. Филин, В. Жирмунский каби олимлар «**Ижтимоий диалектлар ва уларни нормаллаштириш**» масаласида, қолаверса, уларни тил тараққиётидаги ўрни хусусида кўпгина ижобий фикрларни илгари сурадилар. Хусусан, В. Жирмунский «**ижтимоий диалектлар терминининг пайдо бўлиши, синфий дифференциацияланишлар ва синфий жамиятлар умумий қонуниятларидан тўғридан-тўғри ёки бир ёқлама ҳолларда юзага келишини**» таъкидлайди. Бу борадаги фикр-мулоҳазалар кейинги даврларда ўзининг тўлақонли асосини топди.

Хусусан, 1962 йилда Олмаотада «**Миллий тилларнинг тараққиёти масаласи**»да бўлиб ўтган конференцияда ҳам миллий тилларни ривожлантириш ва тараққий этириш масаласида муҳим вазифалар белгиланиб олинди. Ўзбек тилшунослигида ҳам бу борада В. Решетов, А. Боровков, А. /уломов, Ф.Абдуллаев, О.Усмонов каби олимларнинг ижодий йўналишларида шу масалалар илгари сурилиб келинди.

70-80 йилларда ижтимоий тилшуносликнинг текшириш объекти анча кенгайди ва мустаҳкамланиб борди. Бунда, асосан, қуйидаги масалалар кун тартибидан ўрин олди:

- а) Умумий масалалар;
- б) Тиллар алоқаси масаласи;
- в) Тил уюшмалари ва уларни ривожлантириш;
- г) Тилнинг ижтимоий ва худудий масалалари.

1. Умумий масалалар

Бу борада миллий тилларнинг тараққиёт қонуниятларини белгилаш, миллий ва халқ тиллари тараққиётини тез суръатлар билан ривожлантириш, кўп тиллилик масаласи, шунингдек, тиллар ўртасидаги алоқалар хусусидаги фикр-мулоҳазалар ўрин олди. Шу масалада Жирмунский, Андреев, Петровский каби тилшунос олимларнинг тадқиқотлари диққатга моликдир. +олаверса, ижтимоий лингвистиканинг тил ва жамият ўртасидаги умумий қонуниятларни

хаётга тадбиқ этишдаги ўрни алоҳида таъкидланиб келинди. Бундан ташқари, миллий тиллар тараққиётида ҳар бир тилларнинг ўз таъсир кучини ҳис этиш, хусусан, шу тилда сўзлашувчи халқлар ижтимоий муҳитидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ўрнини белгилаш каби вазифалар доимий равишда ўрин олиб келади. Айти пайтда фанда янгича назария ва қарашларни тадбиқ этиш асосида ижтимоий лингвистиканинг фаолиятини кучайтириш ўз-ўзидан тиллар ўртасидаги анъаналарга амал қилиш, деган фикрлар илгари сурилди.

2. Тиллар алоқаси. Маълумки, ҳар бир тил ўз ривожланиш тараққиётига эгадир. Тиллар ўртасидаги ўзаро алоқалар муҳим аҳамият касб этади. 1974 йилда бўлиб ўтган йирик конференцияда тиллар ўртасидаги ҳамкорлик масаласи кун тартибидан ўрин олади. Ижтимоий лингвистиканинг асосий муаммоларидан бири сифатида тилларнинг ўзаро алоқаси масаласига алоҳида аҳамият берилди. +олаверса, бу даврда тил тараққиёти ва унинг қурилишида тил сиёсатининг муҳим таъсир этгани, ҳар бир тилнинг тараққиётида ўз таъсирини кўрсатаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

3. Тил уюшмалари. 70-80 йилларда Европа тилшунослигида социологлар ва тилшунослар ҳамкорлигида ижтимоий лингвистика билан боғлиқ тарзда шаклланган тил уюшмалари юзага келиди. Булар Чехия, Полша, Венгрия, Болгария, Германия, шунингдек, АҚШ, Англия, Япония ва бошқа мамлакатларда тил уюшмалари фаолият кўрсатди. Бу тил уюшмаларида ижтимоий лингвистиканинг энг муҳим жиҳатлари синтез қилинди. Жумладан, «**Ижтимоий лингвистиканинг халқаро майдондаги ўрни**», «**Ижтимоий лингвистиканинг бирламчилиги**», «**Ижтимоий лингвистиканинг тараққиёт муаммолари**» каби масалалар тил уюшмаларининг асосий муаммоларидир. Кейинги йилларда тил уюшмаларининг саъи-ҳаракатлари натижасида бир неча илмий монографиялар юзага келди. Бунда асосан қуйидаги масалалар ўрин олган:

1. Ижтимоий лингвистиканинг миллий тиллар тараққиётидаги ўрнини таҳлил этиш ҳамда тил қурилиши ривожидagi ўрнини белгилаш. Маълумки, дунёда мавжуд бўлган ҳар қандай тил ўз ўрнига эга. Шунга мувофиқ социолингвистика ҳар бир тил тараққиётидаги асосий омилдир. Буни ҳис этиш ва тушуниш ижтимоий лингвистиканинг миллий тиллар тараққиётидаги ўрнини таҳлил этиш асосида амалга оширилади.

2. Тил муаммоларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш; тил маданияти масалаларини ҳал этиш жараёнини аниқлаш, шу каби масалалар кейинги йилларда кўпгина илмий ва ўқув муассасаларида кенг планда ўрганилиб келинди. Айтиқса, Киев, Минск, Тошкент, Алмаота, Боку, Душанба, Ашхабад, Тбилиси, Ереван каби шаҳарларда ижтимоий лингвистиканинг муҳим жиҳатларини ўрганишга катта эътибор қаратилди.

3. Тилнинг ижтимоий ва ҳудудий вариантлари (диалектлари) ижтимоий лингвистиканинг асосий ўрганиш объектларидан бўлиб, ижтимоий ва ҳудудий вариант (диалектлар)дир. Бу масалада Головин, Бондалетовларнинг

қарашларида муҳим қонуниятлар юзага келади. Хусусан, тил ва унинг юзага келишида ижтимоий вариант ва ҳудудий (диалектлар)нинг алоҳида ўрни бўлганлигини таъкидлашади. Шунингдек, ижтимоий ва ҳудудий диалектлар тил қонуниятларини шаклланишининг бир кўриниши эканлигини уқтиради.

Академик В. Степанов тилшунослар билиши ва ўрганиши лозим бўлган масалаларидан бири сифатида ижтимоий диалектлар ва умумхалқ тилидан ташқари услубий маънолар ҳосил қилувчи қисқа тил ҳодисалари ва вариантлар хусусида фикрлар билдиради⁵.

Социоллингвистика тарихи билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда куйидаги асосий омиллар мавжуд:

-тилнинг жамиятга, жамиятнинг тилга алоқадорлиги социоллингвистиканинг таянч нуқтаси эканлиги;

-миллий тилларни ривожлантириш ва тараққий эттиришда социоллингвистиканинг муҳим омиллари мавжудлиги;

-миллий ва халқ тилларини тез суратлар билан ривожлантириш, шунингдек, икки тиллилик бу борадаги асосий омиллар сифатида эканлиги;

-миллат, миллатлараро тилларни ривожлантиришда социоллингвистикани марказий ядро сифатида идрок этиш кабилар мазкур масалани тўлақонли ўрганиш учун асос бўлиши мумкин.

Хуллас, ижтимоий лингвистикани ўрганиш ва тадбиқ этиш борасида юқорида айтилган фикр-мулоҳазаларга асосланмоқ мақсадга мувофиқдир.

Савол ва топшириқлар:

1. 20-40 йилларда социоллингвистикани ҳаётга тадбиқ этиш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

2. Бу даврда социоллингвистика фани учун асосий муаммолар нималардан иборат эди?

3. 50-60 йилларда социоллингвистика масаласида юзага келган назариялар ҳақида нималар биласиз?

4. 70-80 йиллар социоллингвистика фанининг шаклланишидаги асосий масалалар қандай ҳал этилган?

Таянч сўзлар

Тилни билиш ва ҳис этиш, фан ва тил қонуниятлари, ижтимоий диалектлар, адабий ва ноадабий тил воситалари, тил ва давлат, тил ва

⁵ Степанов В. Высшая система языка и типы ее связи с внутренней структурой // Принципы описания языка мира.-М.: «Наука», 1978.-С 162.

миллат, тил ва этник гуруҳлар, миллий тиллар муаммолари, тиллар ўртасидаги ўзаро алоқалар, тил уюшмалари

СИНХРОН СОЦИОЛИНГВИСТИКАНИНГ МАЗМУНИ ВА МУНДАРИЖАСИ

Режа:

1. Синхрон лингвистика тушунчаси
2. Синхрон лингвистиканинг методологик аспекти
3. Синхрон лингвистикани аниқлаш ва белгилаш

Ижтимоий лингвистика **синхрон** ва **диахрон** асосда ўрганилади. Француз тилшунос олими Ф. де Соссюр бу масалада тўхталар экан, «**тилнинг ҳозирги ҳолатига нима алоқадор бўлса, уларнинг барчаси синхрон, унинг ҳаракат, динамик эволюциясига, бутун тараққиёт жараёнига нима алоқадор бўлса, уларнинг барчаси диахрон ҳодисадир**»⁶, деб таъкидлайди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, тил қурилиши ва унинг ифода воситалари ўртасидаги боғлиқлик синхрон ва диахрон алоқаларини ўзаро боғлашга хизмат қилади. Тил системасидаги ўзгаришлар бутунлигича мавжуд экан, уларнинг тарихий мавжудлиги, тил тараққиёт даври ва уларнинг эволюцион босқичларида сақланиб келинмоқда ва тил ички тараққиётида самарали таъсир қилмоқда Ф. де Соссюр таълимотига кўра, **синхрония, диахрония** билан биргаликда ижтимоий тил факторлари **ахрония, нахрония** сингари аспектларда ҳам ўрганилиб келинади. Хуллас, социолингвистика синхрон, диахрон тарзда ўрганилар экан, бу ўз-ўзидан ҳозирги ва тарихий ижтимоий тилшунослик номи билан аталиб, улар ижтимоий тил масалаларини ўрганишга асос бўлади. Бу икки тил ҳодисаси турли хил методлар асосида ривожланиб, бир тил қурилишини, жумладан, ўзбек тили тараққиётининг икки даврини ўрганишни асос қилиб олиш жараёнида амалга оширилади.

Маълумки, тил тараққиётидаги қонуниятлар, унинг ички тил тизими яхлит ҳолатда ўрганилмас экан, ижтимоий лингвистиканинг барча муаммоларини ҳал қилиб бўлмайди. Ҳолбуки, ҳозирги ижтимоий лингвистика синхрон ҳолатлар билан бирга, диахроник принципларни ҳам ҳаётга тадбиқ этиб келмоқда, бу эса тилнинг функционал (вазифавий) кўринишларини тарихий тараққиётлар асосида ўрганишга асос бўлиши мумкин.

Синхрон социолингвистика маълум бир тамойилга асосланган тил шаклининг функционал ажратиш асосида пайдо бўлишидир. Кўпгина ҳозирги ижтимоий тилшуносликка бағишланган илмий ишларда тилнинг яшаш тарзи, у ёки бу ҳолларда давлатларда тил вужудга келиши каби масалалар чуқур талқин этилапти. Бу каби масалалар синхрония ва диахрония муаммоларини ўрганишда уларни ажратиб ўрганмаслик лозимлигини эътироф этади. Юқорида

⁶ Соссюр Ф. Труды общего языкознания. –М.: «Наука», 1969.

Ф. де Соссюр **синхрония** ва **диахрония**ни ажратиб хато қилади. Негаки, улар алоқада **синхрония** ичида **диахрония**, **диахрония** ичида эса **синхрония** мавжуд. Бундан мақсад тилнинг бутун тизими ва унинг қисмларини синхрон (**ҳозирги давр**) алоқада ва муносабатларини ўрганишдан иборат бўлса, тил ва унинг қисмларининг бутун тарихий тараққиёти, ҳаракат эволюциясини биргаликда текширишнинг мураккаблик хусусиятларини ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бундан мақсад синхрон социолингвистика тил тизими ва унинг компонентларини турли даврларга хос тарзда ўрганади.

Айтайлик, **VI аср** эски ўзбек адабий тили **XVII-XIX асрлардаги** ўзбек тили ҳамда **XX аср** бошларидаги ўзбек адабий тили ва унинг тараққиёт қонуниятларини синхрон (ҳозирги давр) нуқтаи назаридан ўрганиш мумкин.

Синхрон социолингвистикани методологик жиҳатдан таҳлил қилганда, тил тизими ва унинг қурилишидаги турли хил тил воситаларни таҳлил этиш жоиз бўлади. Чунки синхроник текширувларда ҳозирги тил қурилишидаги туб ўзгаришлар, сифат ва самарадорлик каби масалалар муҳим ўрин эгалламоқда. Ҳолбуки, ҳозирги ижтимоий тилшуносликнинг вазифавий доираси анча кенгайиб бормоқда. Буни ўзбек тили ва унинг кейинги йиллардаги мавқеини ошиб бориши орқали ҳам кўриш мумкин. Ҳозирги замонавий ўзбек тилшунослиги анча бойиб, такомиллашиб бормоқда. Наинки юртимизда, балки бутун дунё бўйлаб ўзбек тилининг мавқеи ошиб бормоқда. Бу, шубҳасиз, ўзбек синхрон лингвистикасининг тарихий тараққиёт жараёнларида ўзига хос маъно ва мазмун касб этиб келаётганлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, социолингвистика алоҳида, яъни мустақил фан сифатида шаклланаётган экан, уни том маънода қандай тушунчаларни қамраб олади, деган савол туғилади. Шубҳасиз, социолингвистика бугунги кунда алоҳида текшириш объектига эга бўлган мустақил фандир. Шунга кўра у бир неча хил кўринишлар асосида, икки томонлама, **синхрон** ва **диахрон** социолингвистика тушунчалари асосида пайдо бўлади. У нимани ўрганади? Л. Никольский шу ҳақда тўхталиб, «**Синхрон социолингвистика учун биринчи галда тилнинг тушуниш даражаси акс этмоғи лозим, демакки, ижтимоий факторларни аниқлаш ва белгилаш имконияти яратилди**»⁷, деган фикрларни илгари суради. Кўринадики, тил фактларини ижтимоий ходисалар сифатида ўрганишдаги имконият яратилади, қолаверса, тил фактлари синхрон ва диахрон тарзда ўрганилиб, тиллар тараққиётида муҳимлиги билан ажралиб туради. Социолингвистикани синхрония ва диахрония тарзда ажратиб ўрганиш маълум маънода тўғридир. Чунки тил социолингвистик жиҳатдан ўрганилганда, бир томондан тилнинг ҳозирги ички ҳаёти (**адабий, ноадабий тил воситалари, худудий, маҳаллий диалектлар, жаргон, арго, койне ва бошқалар**), иккинчи томонидан эса, унинг эволюцияси (**уруғ тилларидан ҳозирги давргача бўлган тиллар тараққиёти**) ўрганилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, синхрон

⁷ Никольский Л. Синхронная социолингвистика. Теория и проблемы. –М.: «Наука», 1976. С 36.

социолингвистика ва унинг имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда, сабаб эндиликда уруғ, қабила тиллари деган тушунчалар нисбий характер касб этиб келмоқда, яъни уруғ, қабила тиллари бундан 1300-1400, балки ундан ҳам узоқ тарихий давр учун хос бўлиб қолди ва улар ўрнини миллий ва миллатлараро тиллар эгалламоқда. Синхрон социолингвистиканинг объекти кенгаймоқда. Шунга кўра синхрон социолингвистиканинг объекти: **ҳозирги бутун дунё тили, тил регионлари, давлат ва халқ тилларининг ҳозирги ҳаётини, тилда ҳозир нима мавжуд бўлса, шуларнинг барчасини ўрганишдир.** Лекин синхронияни ҳозирги давр билан тўла-тўқис чегаралаш мумкин эмас. Бутун тил тараққиётини синхрон қисмларга бўлиб ўрганиш ҳам мумкин. Масалан: **XII-XIV, XIV-XV, XVI-XVII, XI аср** охири ва **XX аср** бошлари, **1930-1970, 1992-2000 йиллар** ўзбек тили тараққиёти билан боғлиқ масалаларни ҳам ўрганиш ва текшириш ҳамда синхрон қисмларга ажратиш мумкин. Юқоридагиларга асосланиб, синхрон социолингвистика учун қуйидагилар асосий мақсад ва вазифалар эканлигини алоҳида қайд этиб ўтмоқчимиз.

-синхрония ва диахронияни яхлит ҳолатда бир-биридан ажратмасдан ўрганиш лозимлиги;

-синхрон социолингвистиканинг маълум бир конкрет тамойилга асосланиши, тил шаклланиш функционал (вазифавий) ажратиш асосида пайдо бўлиши;

-синхрон социолингвистикани методологик жиҳатдан тўғри таҳлил этиш ва тил тизими ҳамда унинг қурилишидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш;

-синхрон социолингвистикани объект доирасини тобора кенгайиб бораётганлигини ҳисобга олиш лозимдир.

Умуман олганда, синхрон социолингвистика тилнинг вазифавий жиҳатларини умумтил қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда текширади (**хусусий ва умумий ижтимоий функциясини**), тилнинг шакл жиҳатдан хосланиши, тил тизимидаги характер ва хусусиятини, унинг умумий жиҳатларини, функционал (**вазифавий**) жиҳатларини, тил вазияти ва ҳолатининг метод ва йўналишларини социолингвистик қонуниятлар асосида ўрганишда синхрон лингвистика муҳим аҳамият касб этади. Хулоса қилиб айтганда, синхрон социолингвистика тилнинг ижтимоий вазифасини, тилнинг ҳозирги даврдаги кўринишларини, сўзлашув тили, адабий тил ва унинг шакллари, койне, маҳаллий ва социал диалектлар, пиджин, креол, арго тил ва бошқаларни ўрганади.

Савол ва топшириқлар:

1. Синхрон социолингвистика қайси давр тилини ўрганади?
2. Синхрон социолингвистика ҳақида Ф.де Соссюр қандай фикрлар айтади?

3. Синхрон социоллингвистика методологик жиҳатдан қандай таҳлил этилади?
4. Синхрон социоллингвистикани қандай чегаралаш мумкин?

Таянч сўзлар

Тил системаси, тил қатламлари, синхрония, диахрония, диахроник принциплар, тил тизими, тил қисмлари, тил факти, адабий, ноадабий тил воситалари, тил тизимидаги характер, тилнинг функционал хусусиятлари.

БАДИЙ АСАР ТИЛИНИНГ ИЖТИМОЙ МОҲИЯТИ

Режа:

1. Бадиий асар тилининг ижтимоийлик хусусиятлари
2. Бадиий тил ва умумхалқ тили кўринишлари ўртасидаги боғлиқлик
3. Бадиий асар тилининг муҳим белгилари
4. Бадиий ижодкорларнинг тил воситаларидан фойдаланиш маҳорати

Бадиий асар тили жамият ҳаётини ўзида акс эттиришда асрий тажрибаларга эга бўлиб, у ижтимоий ҳаёт масалалари билан узвий равишда ривожланиб келди. Шу сабабдан, бадиий асар тили ижтимоий тил билимларини ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Муҳими шундаки, бадиий асар тили умумхалқ тилида мавжуд бўлган луғавий воситаларни ўзида акс эттириб, тил воситаларининг ижтимоий маъно ифодаловчи кўламини кўрсатувчи, уни ривожлантириш йўллари хам белгилаб берувчи манбадир. Шундай экан, бадиий тилни ҳаёт ва жамият тараққиётида тутган ўрнини, қолаверса, унинг ижтимоий муҳит тарзи билан боғлиқ белгиларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиқат, бадиий асар тили шундай бир тилки, уни ўрганиш жараёнида ундаги бирор воситани назардан четда қолдириб бўлмайди. Шубҳасиз, бадиий асар тили доирасида мавжуд бўлган содда, раво, изчил тил элементларининг аниқ ва тушунарлилиги, шубҳасиз, бадиий тилнинг ижтимоий муносабатлардаги ўрнининг муҳимлигидан далолат беради. Бадиий асар тилини тадқиқ этишнинг муҳимлиги хам шундадир. Ваҳоланки бадиий асар тили ижтимоий турмуш тарзи билан боғлиқ муносабатларни юзага келишини таъминловчи тилдир.

Зеро, бадиий асар тилини ижтимоий маънодаги ўрнини белгиловчи омиллар талайгина бўлиб, бу омиллар сирасига унинг тарихий ҳақиқат ва унга хос ижтимоий жараёнларни тарихан юзага келишида кўринади. Хусусан, бадиий асар тили ўтмиш тарихи тараққиёти билан боғлиқ равишда ривожланиб келди, бу ҳолат хам унинг ижтимоий маъно ва мазмун касб этишини таъминлади. Бунда халқ оғзаки ижодиёти анъаналарига эътибор қаратилиб келиниши, шу билан бирга ёзма адабий тил намуналарига хам сўз санъаткорлари томонидан ривожлантирилиб келиндики, шубҳасиз бу жараён

бадий асар тилининг тарихан ўрганилишини тақозо этади. Шу ўринда бадий асар тилини сўз санъатининг намунаси сифатида эътироф этиш лозим. Айниқса, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Увайсий, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар каби шоирлар ижодининг ижтимоий табақаланиши халқ оғзаки тили воситаларидан унумли фойдалана олганликларидадир. Кўринадики, бадий асар тили умумхалқ тилининг ифода воситаларига бой бўлган, тил воситаларининг образли қўлланилиши қонуниятларини очиб берувчи муҳим кўринишга эга бўлган тил экан. Масалан, **Фақат тимқора кўзларидан кучли бир оловнинг тафти уриб туради (П. +одиров, «Авлодлар довони»)** гапида бадий асар тили учун хос тимқора ва умумтил қонуниятларига мос келадиган олов сўзларининг қўлланилиши орқали ижтимоий маъно англашилади. Чунки **тимқора** сўзи орқали ифодаланган чиройлилик тушунчаси **олов** сўзининг қўлланилиши орқали янада кўчайтирилганки, бунда фикрнинг эстетик ва тарбиявий аҳамияти бўрттирилган ҳамда фикрда тилнинг жамият тараққиётидаги ўрни кўрсатилган. Айни пайтда, бадий асар тили учун хос бўлган ижтимоий белгилар фикр тиниқлиги ва аниқлигини, шунингдек, унинг ҳаёт ва жамият мазмуни билан боғлиқ томонларини очиш учун хизмат қилган. Кўринадики, бу ҳолат бадий асар тилининг умумхалқ тил кўринишларидан фарқлашга асос бўлади, айни пайтда унинг тарихий фактор сифатида тушуниб олишимизга ёрдам беради.

Биобарин, бадий асар тили умумхалқ тилининг шундай бир кўринишики, унда сўз хоҳ ўз маъносида, хоҳ кўчма маънода бўлмасин, ижтимоий муносабатларда ўз таъсир кучини сездириб боради. Шунинг учун ҳам бадий асар тили ўзига хос маъно касб этади. Масаланинг муҳим томони шундаки, бадий асар тили тушунчалари барча халқларда бир хил, лекин ҳар бир халқнинг урф-одати, яшаш тарзи, шу халқнинг ижтимоий хусусиятлари ҳар хил бўлади, бу ҳар бир халқ бадий асар тилининг бир-биридан фарқловчи баъзи муҳим ёки муҳим бўлмаган белгилари мавжуд эканлигини кўрсатади. Шу маънода ўзбек бадий асар тили ҳам халқнинг ўтмиш тарихи тил анъаналарига асосланган, ўзига хос тил шаклларидан бири эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Шу ўринда бадий асар тилининг муҳим белгилари борки, уларни айтиб ўтиш ўринлидир.

БАДИЙ АСАР ТИЛИНИНГ МУҲИМ БЕЛГИЛАРИ

Бадий асар тили биринчи навбатда шу тилнинг эстетик қўламдорлигини таъминловчи воситаларга бойлиги билан характерланади. Бундан ташқари, бадий тил умумхалқ тилининг тарихий тараққиёти жараёнида ривожланган, сайқалланиб, маълум шаклга келган кўринишидир. Шу сабабдан, бадий тилда умумхалқ тилининг бошқа кўринишларидан фарқлаб турувчи хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб, хусусан, халқ оғзаки тилидан фарқланиб, айни пайтда халқ тили билан узвий боғлангандир. Ҳар қандай халқ тили ва бадий асар тили шу

халқнинг дунёқараши, психологияси ва тарихий тараққиётини ўзида акс эттиради. Шундай экан, халқ тили билан бадиий асар тили ўртасида муайян боғлиқлик мавжуд.

Зеро, бадиий асар тили халқ тили асосида вужудга келиб, унинг битмас-туганмас имкониятларини намоён қилувчи восита эканлиги ҳам бизга аён дир. Гап бадиий асар тилининг ижтимоий мазмун ифода этаётганлиги ҳақида борар экан, юқорида айтилган сифатий белгилар бадиий асар тилининг ижтимоийлик хусусиятини ўрганишга асос бўлиши мумкин. Чунончи, бадиий асар тилининг эстетик таъсирчанлиги масаласи ижтимоий тилшуносликда муҳим ва асосий масалалардан бўлиб, ўз навбатида асар тилининг сўз эстетикаси, тил эстетикаси, эстетик таъсир этувчи маъноларини англантишга хизмат қилади. Айтайлик, ўқувчи кўз ўнгида бадиий асар қахрамонларининг ўй-фикри, характер хусусияти, нутқ одоби билан билан тушунчалар жонли намаён бўлиб туриши ўша қахрамонга хос салбий ёки ижобий фазилатлар ҳақида ўқувчига таассурот қолдириш билан бирга, у ижтимоий маъно ҳам касб этиб боради. Бу шубҳасиз, бадиий асар тилининг эстетик таъсирчанлиги тушунчасининг кенг тушунча эканлигини, айти пайтда эстетик таъсирчанлик тилнинг бошқа шаклларида ҳам мавжудлигини, бироқ бадиий асарда ўзгача манзарага эга эканлигидан далолат беради. Чунончи, умумхалқ тилида ҳам эстетик таъсир этувчи ифодали воситалар кўплаб мавжуд бўлганидек, халқ мақолларида, оддий сўзлашувга хос бўлган кўпгина луғавий бирликларда ҳам бу ҳолатни учратиш мумкин. Шу боисдан ҳам, эстетик таъсирчан воситаларнинг кўплаб қўлланилиши бадиий асар тилининг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам бадиий асар тили маълум маънода мураккаб тил, чунки у дастлаб мураккаб жараён ҳисобланган ижод натижасида вужудга келган. Маълумки, ҳар бир ижодкорнинг тил воситаларидан фойдаланишда ўз ижодий лабораторияси бор. Шунингдек, маълум халқнинг адабиёти ҳам ўзига хос бир лаборатория ҳисобланади. Бу лабораторияда умумхалқ тилидаги воситалар жамланиб, сараланиб, унга сайқал берилиши натижасида том маънодаги бадиий асар тили, яъни, эстетик таъсир этувчи, кишини ҳаяжонга солувчи образли тил юзага келади. Тилнинг бирор шакли йўқки, бадиий асар тилидек ранг-баранг қамровдор бўлмаса, шу жиҳатдан ёндошилса, кенг қамровлилик бадиий асар тилининг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Бироқ тилда «**эркинлик**» тушунчаси бадиий асар тили учун ҳам нисбийдир. Чунки бадиий асарда қўлланиладиган барча тил воситалари бадиий тил маданияти талабларига жавоб бериб, бадиий тилнинг эстетик кўламдорлигини билдириш сари йўналтирилса, кўзда тутилган мақсадга эришиш мумкин. Шу маънода Г. Винокур А.Толстойнинг «**Нон**» романидаги **нон** сўзини мисол келтириб, бу сўз романда доимо ифодаладиган маъносида қўлланиладиган-бу доимий маъно, шунингдек, у бир пайтнинг ўзида романнинг мазмуний ижтимоийлигини ҳамда тарихий тараққиёт жараёнини ҳам ифодалайди, деб ёзади. Ёки **ёмғирни** ёмғир деб айтиш ҳар қандай киши учун хос, шу билан бир қаторда уни «**кўз ёши**» сифатида

тасвирлаш ҳам мумкинки, бу бадий идрок эканлигидан далолат беради. Кўринадики, **нон** ҳамда **ёмғир** сўзлари бадий асар тили учун хос бўлган ижтимоий белгиларни юзага келишини таъминлайди. Ваҳоланки, нон фақат истеъмол манбаи бўлиб қолмасдан, у тириклик озуғи ҳамдир. Инсон ҳар нарсанинг (истеъмол манбаси нуқтаи назаридан) йўқлигига чидай олиши мумкин, бироқ нонсиз қийналиб қолади. Бирор таом йўқки, нон каби тез-тез истеъмол қилиб турилса, шунингдек, ҳар қандай (хоҳ суюқ, хоҳ қаттиқ таомлар) овқатлар истеъмол қилинганда ҳам нон билан истеъмол қилинадики, бу ҳолат ноннинг ўзи ифода этаётган маънодан ташқари, ижтимоий маъно ва мазмун касб этишини таъминлайди. Шунингдек, ёмғирнинг **кўз ёши** сингари идрок қилинишида ҳам ижтимоий маъно бор. Негаки, **ёмғир** томчиланиши **инсон кўз ёшларининг жим-жимадор** оқишига хуфиёна тарздаги ўхшатиш асосида ҳосил қилинган. Айти пайтда булар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ижтимоий ҳаёт тарзи асосида юзага келгани учун ҳам муҳимдир.

Умуман олганда, бадий асар тили ижтимоий тил муносабатларида муҳим аҳамият касб этади. Негаки, бадий тил фақат фикр ифодаловчи, образ яратувчи восита эмас, ижтимоий муносабатларда бевосита таъсир этувчи восита ҳамдир. Бинобарин, бадий тил орқали ифодаланаётган маъно турли хил хусусиятлари билан ҳаёт материалларини очишга хизмат қилади. Бу жараён бадий тилнинг ижтимоий муносабатлардаги ўрнини очиб берувчи асосий манбадир. Албатта, бадий асар тили ва уни ижтимоий ҳаёт тарзи асосида ўрганиш қайсидир маънода муҳим ва аҳамиятлидир. Шунга кўра, бадий асар тилини ижтимоий моҳиятини ўрганишда қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтишни жоиз деб биламиз:

-бадий асар тилининг кенг маънода тарихан мавжудлигини ҳис этиш ва унинг ўзига хос ижтимоий хусусиятларини аниқлаш;

-бадий асар тили ва умумхалқ тил кўринишлари, хусусан, оғзаки, сўзлашув, оммавий тил воситалари орасидаги фарқли хусусиятларни ўрганиш;

-бадий тилга хос эстетик кўламдорлик, таъсирчанлик сингари сифатий белгиларнинг ижтимоий муносабатлардаги ўрнини ҳис этиш;

-бадий асар тилини бадий ижодиётнинг ёрқин намунаси сифатида билиш ва тадқиқ этиш кабилар бадий тил учун хос бўлган ижтимоий хусусиятларни ўрганишга асос бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бадий асар тили юксак мазмунга эга бўлган тил ҳисобланиб, бу мазмун ижтимоий маъно касб этишда янада ойдинроқ намоён бўлади.

Савол ва топшириқлар:

1. Бадиий асар тили жамият ҳаётини акс эттирувчи тил сифатида?
2. Бадиий асар тилининг умумхалқ тил кўринишлари билан узвийлиги?
3. Бадиий асар тилининг муҳим белгиларини аниқланг?
4. Бадиий асар тилининг эстетик кўламдорлиги нимада?

Таянч сўзлар

Бадиий тил, умумхалқ тили, сўз санъаткорлари, ифода воситалари, фарқловчи муҳим ва номуҳим белгилар, халқ тили, бадиий тилнинг эстетик воситалари, бадиий тилда ижод эркинликлари, бадиий идрок.

АДАБИЙ ТИЛ. ЖОНЛИ СЎЗЛАШУВ ТИЛИ

Режа:

1. Адабий тил ҳақида умумий тушунча
2. Адабий тилнинг умумхалқ тил кўринишларидан фарқи
3. Жонли сўзлашув тили ҳақида умумий тушунча
4. Жонли сўзлашув тилининг адабий тил тараққиётидаги ўрни

Адабий тил кенг маънода тарихан шаклланган, сўз усталари томонидан қайта ишланган, сайқал берилган, жамиятда киши фаолиятининг барча тармоқлари билан узвий боғланган бадиий, публицистик, илмий адабиёт тилидир.

Академик **В. Виноградов** ёзади: «Адабий тил у ёки бу халқ, баъзан халқларнинг махсус иш ҳужжатлари, мактаб таълими, кундалик ёзма муносабатлар, фан, публицистика, бадиий адабиёт, сўз ифодасидаги турли маданий муносабатлари учун умумий бўлган ёзма ва оғзаки тилдир⁸». Демак, адабий тил тушунчаси ҳаётнинг барча жабҳалари учун хос бўлган ходиса сифатида англашилади, тушунилади, идрок этилади. Муҳими шундаки, адабий тилни ҳамма баб-баравар қабул қилиши, яъни ишчими, зиёлими, раҳбарми ким бўлишидан қатъий назар унга риоя қилган ҳолда фойдаланиши лозим бўлади. Бу, шубҳасиз, адабий тилда мулоқот қилувчилар ва унга риоя этувчилар учун асосий вазифани бажаришга туртки бўлади. +олаверса, адабий тил ҳар хил ҳаракатдаги тушунчалар билан ифодаланиб, унда миллий хусусиятлар ҳам синхрон планда ҳамда ранг-баранг маъно ифодаловчи тарихий (диахрон) планда ўрганилади. Бу эса адабий тилнинг имконияти кенг эканлигини ифодалайди. Шубҳасиз, адабий тилни умумхалқ тилининг бошқа кўринишларидан тамомила фарқланиб туришини таминлайди. Биринчи навбатда бу ҳолат адабий тил масаласининг тилшуносликдаги энг мураккаб

⁸ Виноградов В. литературный язык // История русского литературного языка.-М.: «Наука», 1978, С.288

масалалардан бири эканлигини ифода этади. Айниқса, адабий тилнинг кенг қамровлилигини бунга яққол мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Чунончи, академик **Ф. Филин** адабий тилнинг еттига белгисини кўрсатади:

- 1) ишланганлик;
- 2) меъёрлаштирилганлик;
- 3) стабиллик (барқарорлик);
- 4) маълум бир тилда сўзлашувчи коллектив (жамоа)нинг ҳаммаси учун умумийлик ва мажбурийлик;
- 5) услубий бўлинганлик;
- 6) индивидуаллик, яъни муомаланинг турли тоифалари-ишлаб чиқариш, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёт, фан, кундалик турмуш шароитидаги умумийлик.
- 7) ёзма ва оғзаки шаклларига эга эканлиги.

Ана шу сифатларнинг ҳаммаси мавжуд тилни адабий тил дейиш учун асос ҳам эмас, чунки бошқа сифатлар ҳам бўлиши мумкин. Иккинчи томондан, бу сифатлар турли давр адабий тилларида турлича бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ёзма адабиёт мавжуд бўлмаган айрим халқ тилларида бу сифатлардан кўпи бўлмаслиги ҳам мумкин.

Академик В. Виноградов «**адабий тилни англамоқ қийин**»- деган хулосага келади. Чунки адабий тил ҳаётининг турли соҳаларига хизмат қиладиган, ўзининг бойлиги кўп вазилавийлиги, ишланганлиги, қаятий норма (меъёр)га эга эканлиги билан тилнинг бошқа шаклларига нисбатан энг устун турадиган тил шаклидир. Шунга кўра ҳозирга замон тилшунослигида адабий тил ўзининг кенг қамровлилиги, ифода воситаларига бойлиги, аниқ ва равонлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу жараён адабий тилнинг умумхалқ тилининг бошқа кўринишлари билан узвий алоқадорлик касб этишини белгилайди. Хусусан, ҳозирги замон тилшунослигида адабий тил ва миллий тил тушунчаси масаласи кўндаланг туради. Негаки, адабий тил ва миллий тил шаклланиш нуқтаи назаридан ўзаро фарқланади.

Миллий тил ва адабий тил масаласига келганда, булар бошқа-бошқа ҳодисалар эканлиги маълум бўлади. **Тилнинг миллий формаси унинг ҳаётининг формаларидан бири эмас, адабий тил эса унинг ҳаётининг шаклидир.** Чунки миллий тил маълум бир давр маҳсули, адабий тил эса ундан олдин мавжуд бўлган. Масалан, ҳозирги ўзбек миллий тили умумхалқ тилининг энг юқори кўриниши ҳисобланиб, у ўз тарихини бугунги кунгача етиб келган энг қадимги ёзма ёдгорликлар тилидан бошлаган бўлса, адабий тил эса ҳамма даврлар учун бир хил бўлмайди, ҳар бир даврнинг ўз адабий тил меъёрлари бўлади. Чунончи, XV аср Навоий даври эски ўзбек адабий тили билан ҳозирги ўзбек адабий тилининг фонетик, грамматик меъёрлари орасида фарқлар борлигини яққол сезиб тураемиз. Кўринадики, адабий тил ва миллий тил ўртасидаги ўзаро боғлиқ жиҳатлар, уларнинг умумий муштараклик хусусиятлари билан бирга фарқ

килувчи жиҳатлари ҳам борлигини кўрсатади. Шундай қилиб, адабий тил умумхалқ тил кўринишларидан фарқ қилиб, у сайқалланган, меъёрлаштирилган, грамматик қолипга асосланган тил шаклидир.

ЖОНЛИ СЎЗЛАШУВ ТИЛИ

Жонли сўзлашув тили умумхалқ тил кўринишларидан бири бўлиб, бир томонлама адабий сўзлашув тили, иккинчи томонлама эса ҳудудий диалектлар характериға эға бўлган тил кўринишидир. Унинг ўз характери ва терминлари мавжудлиги масаласида Е. Поливанов тўхталиб, жонли сўзлашув тилининг уч хил номланиши хусусида фикр юритади. Булар: **а) диалект характеридаги сўзлашув тили;** **б) оддий сўзлашув тили;** **с) адабий сўзлашув тили, - деган хулосаға келади.** Тўғри, булар турли хил маънолар ифодалайди, бироқ, ҳар бир ифоданинг аниқланган маъноси бир-бириға яқин бўлади. Айтайлик, XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек адабий тил хусусиятарини ўрганмоқчи бўлсак, унда оддий сўзлашув тили ҳамда ҳудудий диалектлар ўртасидаги муносабатлар фарқланган. Жонли сўзлашув тили ифодаси бошқача, яъни кўп қиррали тушунча ҳисобланади.

Биринчидан, жонли сўзлашув умумхалқ тил кўринишларидан бири бўлиб, халқ сўзлашув тили ва адабий тил имкониятлари асосида шаклланиб боради.

Иккинчидан, жонли сўзлашув тили имкониятлари чегараланган бўлиб, адабий тил нормаларига мос келмайди. Кўринадикки, жонли сўзлашув тили адабий тил ва унинг нормаларига мос келиши ва келмаслиги мумкин. Шунга кўра жонли сўзлашув тили ва адабий тил ўртасидаги тафовутларни аниқ кўрсатиб ўтиш лозим бўлади. Ўз навбатида жонли сўзлашув тилининг қуйидаги белгилари мавжуд эканлигини айтиб ўтиш лозим.

- 1) ишланмаганлик (нейтрал маъно);**
- 2) услубий бўёққа эға эмас, яъни услубий маъно ифода этмаслик;**
- 3) маълум бир тилда сўзлашувчи жамоанинг ҳаммаси учун умумийлик ва мажбурийликка эға эмаслик;**
- 4) ёзма шаклга эға эмаслик;**
- 5) кўп маънолилиқ вазифасини бажармаслик, синоним ва вариант усулларига эға эмаслик.**

Шу хусусиятларнинг мавжуд эмаслигига қарамай, жонли сўзлашув тили адабий тил тараққиётиға муҳим хизмат қилувчи тил кўринишларидан биридир.

Хусусан, бадиий асар тилида оддий сўзлашув тил элементлари бадиий асарнинг муҳим жиҳатларини очиб берувчи хусусиятларга эгадир.

Шундай қилиб, оддий сўзлашув тили тил нормаларига амал қилган ҳолда миллий тил тизими тараққиётига ижобий таъсир этиб боради. Хулоса қилиб айтганда, адабий тил ва жонли сўзлашув тили умумхалқ тил тизимидаги муҳим кўринишлардан бири бўлиб, ҳар қандай миллий тил ва унинг равнақи ҳамда тараққиётида муҳим ўрин тутаети. Хусусан, адабий тил ўз тил ички имкониятларини замон руҳи асосида бойиб, ривожланиб, такомиллашиб бориши учун хизмат қилса, жонли сўзлашув тили мавжуд тилнинг халқчиллигини, соддалиги ва халқ учун тушунарли бўлишини таъминлайди. Бу, шубҳасиз, ижтимоий маъно ва мазмун касб этади.

Савол ва топшириқлар:

1. Адабий тил тушунчаси қандай таҳлил этилади?
2. Адабий тил умумхалқ тил кўринишларидан қайси жиҳатлари билан фарқланади?
3. Жонли сўзлашув тили қандай тил?
4. Жонли сўзлашув тили адабий тилдан қандай фарқланади?

Таянч сўзлар

Тарихан шаклланиш, сўз усталари, сайқал берилган, ишланган, услубий бўлинган, миллий тил ва адабий тил, ишланмаган, услубий бўёққа эга эмаслик, ёзма кўриниш касб этмаганлик.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ТИЛИ

Режа:

1. Халқ оғзаки тили ҳақида умумий тушунча
2. Халқ оғзаки тилининг ижтимоий моҳияти

Халқ оғзаки тили тил ҳаётий шаклининг оғзаки адабий тилга ҳам, тилнинг бошқа ҳар қандай шаклларига (маҳаллий, ё ҳудудий диалектларга) ҳам қарама-қарши қўйилади ва шу тилда сўзлашувчи жамоанинг барчаси томонидан кундалик турмуш ва фаолиятда кенг қўлланилади. Гап халқ оғзаки тили ҳақида борар экан, бу тилнинг содда, равон, халқчил тил эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Муҳими шундаки, халқ оғзаки тили шаклан миллий хусусиятларга эга бўлиб, бу тил ҳар бир миллатнинг, халқнинг ижтимоий муносабатлардаги ўрнини, турмуш тарзини, яшаш муҳитини, орзу-истак ва интилишларини халқчил характерда ифодаловчи алоқа воситаси-тил эканлиги билан ажралиб туради.

Дарҳақиқат, халқ оғзаки тили халқ оғзаки ижодиёти материаллари асосида юзага келаети. Ўзбек тилида бунга халқ оғзаки ижоди материалларини

мисол келтириш мумкин. Жумладан, «Уч оға-ини ботирлар», «Авазхон», «Гўрўғли», «Рустамхон», «Алпомиш» каби эртақ ва дostonлар ҳамда мақол, матал, топишмоқ ва ҳикматли сўзларни мисол тариқасида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Авваламбор, халқ оғзаки тилини адабий тилнинг оғзаки шакли дейишга ҳам асос бор, яъни халқ оғзаки тилини оғзаки адабий тил дейилишига сабаб шуки, уларнинг айримлари фонетик хусусиятларига кўра (диалект ёки қайси шева вакили нутқига хосланганлиги) озми-кўпми фарқланмаса, семантик-грамматик курилиши жиҳатидан маълум барқарорликка эга.

Масалан:

Олтин-кумушнинг эскиси бўлмас,
Ота-онанинг баҳоси бўлмас.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
+атра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

Тилла сандиқ очилди,
Ичидан нур сочилди.

Ер тагида олтин қозик.

Яна: Хунхорликлар Гўрўғлига таслим бўласиз, деди. Авазхон ўз юрти билан хайрлашди. Ота-бола Асқар тоғининг устига чиқиб, ярқиллаган Чамбилни кўрди.

Ул вақтда лашкар тортиб устина келди. Аждарҳоси оғзин очиб, шерлар гўринди. Уруша гирганда жонидан гечиб ва ҳоказо. Юқорида келитирилаган мисолларда содда, равон, халқчил тилнинг нақадар бой мазмун ифода этиши, ўзига хос жозибадорлиги яққол кўриниб турибди. Жумладан,

**Олтин-кумушнинг эскиси бўлмас,
Ота-онанинг баҳоси бўлмас.**

Мақолларда олтин ва кумушнинг эскирмаслиги сингари ота-она ҳам баҳосиз эканлиги акс этиб турибдики, бу шубҳасиз, ижтимоийлик касб этган.

Халқ оғзаки тилини халқ яратади, унда ҳар бир халқнинг урф-одатларига хос хусусиятлар оддий тилда акс этади. Халқ оғзаки тили шу томондан ҳам умумхалқ тилининг бошқа кўринишларидан фарқланиб туради. Бу тилни белгиловчи асосий хусусиятлар мавжуд. Бу ҳақда академик **Ш.Шоабдурахмонов** қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади. «**Халқ оғзаки тили дурдоналари ўз шакл-шамойилига кўра умумхалқ тилининг бошқа кўринишларидан фарқланади**»-дейди. Хусусан, халқ оғзаки тилининг халқ ижодкорлари томонидан ихтиро қилинганлиги унинг қисқа, ихчам, халқчил

йўғрилганлиги ҳамда худудий ёки диалектал кўринишга эга эканлиги бу тилнинг асосий хусусиятлардир.

Демакки, халқ оғзаки тили шу жиҳатларига кўра умумхалқ тилининг бошқа кўринишларидан фарқланади, шубҳасиз, халқ оғзаки тили мукамал мазмунга эга бўлган тилдир. Холбуки, миллий халқ анъаналари, узоқ ҳаётий тажрибалари ҳамда меҳнат якунлари шу тилда ўз ифодасини топади. Масалан:

Тоғ тоғ билан қовушмас,
Одам одам билан қовушар.

Булбул чаманни севар,
Одам ватанни.

Олтовлон ола бўлса,
Оғзидагин олдиарар.
Тўртовлон тугал бўлса,
Унмаганни ундиарар.

Еридан айрилган етти йил йиғлар,
Элидан айрилган ўлгунча йиғлар.

Бол ширин-болдан бола ширин ва ҳ.к.

Мисоллардан маълум бўладики, келтириб ўтилган мақоллар инсон ҳаёти ва кечмиши билан боғлиқ равишда юзага келган. Наинки, инсоннинг инсон билан учраши, инсоннинг ўз юртини севиши, бирлик ва ҳамжиҳатликда иш кўриши, ўзи ва ўзига яқинларга меҳрибон бўлиши ҳаётий ҳақиқатдир. Ана шундай масалалар берилган мақоллар ижтимоийлик касб этади. Таъкидлаш жоизки, халқ оғзаки тили умумхалқ тил кўринишларидан бири бўлиб, бу тил умумхалқ тилининг бошқа кўринишлари билан узвий боғлиқ равишда ривожланиб боради. Хусусан, халқ оғзаки тили бадиий адабиёт тили ва унинг тараққиёт қонунларига жиддий таъсир этиб боради. +олаверса, ўтмиш мумтоз адабиёт намоёндалари Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Муқимий, Аваз Ўтар ҳамда ҳозирги ўзбек адабиёти ижодкорлари А.+ахҳор, Ойбек, /./улом, Ҳ.Олимжон, Ў.Ҳошимов, А.Орипов, Ш.Холмирзаев асарларининг халқчил ва тушунарли бўлишини асосий омили ҳам халқ оғзаки тили таъсиридадир. Жумладан, Лутфий бир ўринда шундай дейди:

Аёқингга тушар ҳар лаҳза гису,
Масалдурким, «**Чароғ туби қоронғу**»
Тутармен кўзки кўрсам оразингни,
Ки дерлар: «**Оққан арикқа оқар сув**».

Шундай қилиб, халқ оғзаки тили ҳудудий чегараланмаган тилдир, ундан асосан оғзаки ижодда фойдаланилиб келинади. Шунга кўра, халқ оғзаки тили ўз характериға кўра адабий тилдан (фонетик, лексик, грамматик) фарқланиб, фақат жонли сўзлашув нутқиға хос мазмун ифода этади.

Хулоса қилиб айтганда, халқ оғзаки тили сўзлашувчилар томонидан эркин тарзда, яъни сўзлашув жараёнида кенг истеъмолда ишлатилиб келинаётган тил кўриниши ҳисобланиб, у диалогик, монологик ҳамда диалект ва лаҳжа кўринишлариға хос тарзда шаклланиб, ижтимоий тил муносабатларида муҳим аҳамият касб этар экан.

Савол ва топшириқлар:

1. Халқ оғзаки тили деганда нимани тушунаси?
2. Халқ оғзаки тили нималар асосида юзаға келади?
3. Халқ оғзаки тилининг ўзига хос жиҳатлари нимада?
4. Халқ оғзаки тили ўтмиш ва бугунни қандай акс эттиради?

Таянч сўзлар

Халқ оғзаки тили, содда, равон, халқчил тил, оғзаки ижодиёт намунаси асосида шаклланади, оғзаки адабий тил, семантик-грамматик фарқланиш, сўзлашувчилар тили, диалект ва лаҳжа кўринишлари.

КОЙНЕ

Режа:

1. Койне ҳақида умумий тушунча
2. Койненинг ижтимоий диалектлардан фарқи

Койне-грекча **koine**, **Koinos**-умумий сўзидан олинган бўлиб, қадимги грек тили турли диалектларида сўзлашувчи халқлар учун умумий ифода воситасини англатувчи тилдир. Бу тил ва атама тахминан эрамиздан олдинги IV асрларда Афинанинг маркази бўлган Аттикада пайдо бўлган. Ҳозир бу сўз тилшуносликда кенг қўлланиладиган атама бўлиб, оғзаки нутқнинг умумлашган бир турини англатади. Койне ва унинг пайдо бўлиш масаласи доимий равишда тадқиқотчиларни қизиқтириб келган. Жумладан, **А.Десницкая** бу масалада кўп ва хўп илмий изланишлар олиб борган ҳамда бу борадаги фикр-мулоҳазларни илмий ва изчил асослаб берган. Хусусан, койненинг сўз ва терминлар сифатида қабул қилиниши: бунда койненинг (интердиалект, ярим диалект, маданий диалект) кенг тарқалганлиги, шу билан бирга унинг туоли ҳил қўлланишини алоҳида таъкидлайди. **В.Авроринг** эса койнени диалектлар орасида юз берадиган ижтимоий диалект сифатида алоҳида қайд этиб, шу билан бирга маълум бир гуруҳға мансуб диалект эканлигини эътироф этади. Шунга кўра

унинг сфещифик жихатдан бошқа диалектларга таъсир кўрсатиб мустақил диалект сифатида шаклланишини уқтириб ўтади. Тарихий маълумотларга қараганда, койне шаклланиш ва тараққиёт жихатидан тилнинг бошқа бирликларидан фарқланади. Авваламбор, койненинг ўзи маълум тилдаги ёндош диалектлардан савдо, саноат, ҳарбий муносабатларни, маҳаллий мақсадларни умумлаштирувчи лексик-грамматик воситалар асосида шаклланади, мустақил диалектга айланади. Кейинчалик эса ўша диалектлар ҳисобига бойиб, ҳатто мустақил тил-койнега айланади. Ижтимоий тил муносабатларида койне алоҳида аҳамият касб этади. Шунга кўра, койне икки хил кўринишга, яъни шаҳар (тарихий) ва область (қишлоқ) койнесига бўлинади. Шаҳар (тарихий) койнеси фақат диалектларга ёки ҳудудий қатламлар учун хизмат қилмайди, балки мулоқот жараёнида оғзаки шеърийат, халқ ижодиёти равнақига ҳам ижобий таъсир этиб боради.

Шаҳар койнеси, яъни тарихий койне ёзма нутққа хос бўлиб, шунинг учун ҳам ёзма нутқ асосида ривожланиб, такомиллашиб борган. Пировардида адабий тил таъсирида маълум мақомга эга бўлган. Шунинг учун ҳам, у адабий тил базасида такомиллашиб борган. Жумладан, **Лондон койнеси** инглиз адабий тили базасида, **Пекин койнеси** Хитой адабий тили базасида, **Эдо койнеси** Япон адабий тили базасида, **Словян тиллари койнеси** эса асосан Москва адабий тили базасида ривожланиб келган.

Область (қишлоқ) койнеси эса, тарихий маълумотларга қараганда, ҳудудий диалектлар таъсирида юзага келади. Масалан, Доғистон областидаги **Болмас қишлоғи койнеси** аварликлар тили таъсирида вужудга келган. **Иёт қишлоқ койнеси** Хоразм адабий тил муҳити таъсири натижасида ривожланиб келмоқда ва ҳ.к. XIX асрнинг 60-70 йилларига келганда, шаҳар (тарихий) ва область (қишлоқ) койнеларининг турли хил диалектлар таъсири натижасида ижтимоий моҳияти кенгайди, мустақил диалект сифатида майдонга келди.

Умуман олганда, койне диалектларда сўзлашувчи халқлар учун умумий ифода воситаси бўлиб, оғзаки нутқнинг умумлашган бир турини англатади.

Савол ва топшириқлар:

1. Койне қачон ва қаерда пайдо бўлди?
2. Шаҳар ва область койнеси қайси жихатлари билан ўзаро фарқланади?

Таянч сўзлар

Койне, тилдаги ёндош диалектлар, ҳудудий қатламлар, мулоқат жараёни, халқ ижодиёти, Лондон койнеси, Пекин койнеси.

ДИАЛЕКТАЛ +АТЛАМ ВА УНИНГ СОЦИАЛ МОҲИАТИ

Режа:

1. Ижтимоий диалектлар ҳақида умумий тушунча.
2. Диалектизмларнинг ижтимоий моҳияти

3. Жаргон, касб-хунар сўзларининг социал табақаланиши.

Илмий ва ўқув адабиётларида «**ижтимоий диалектлар**» терминини кўплаб учратамиз. Одатда, ижтимоий диалектлар тилнинг шундай бир қатламики, улар адабий тил ва унинг талабларига тўғри келмайди. Бирок кўпгина ҳолларда «**ижтимоий диалектлар**»ни тилнинг юзага келишидаги асосий объект сифатида қўллаб келишади. Жумладан, В.Жирмунский социал диалектларни **ҳудудий диалектларга ҳам, шаҳар тил доирасига ҳам, адабий тилга ҳам** (оғзаки, ёзма шакллари) тааллуқли эканлигини таъкидлаб ўтади. Шунга кўра, В.Жирмунский уларни ижтимоий диалектлар деб аташни таклиф қилади. Ижтимоий диалектлар таркибига диалектизмлар, жаргон ва арго ҳамда профессионал сўзлар киради. Б. Серебренников **уларни диалектлар сифатида эмас, балки ижтимоий нутқ вариантлари, нутқ услублари** эканлигини уқтириб ўтади. Шу билан бирга, бу нутқ вариантлари, диалектлар сифатида хизмат қилар экан, уларнинг фонетик системаси ҳамда грамматик қурилиши нуктаи назаридан адабий тилдан фарқ қилади, дейди.

В. Аврорин эса **уларни нутқ вариантлари сифатида эмас**, аксинча «**Ижтимоий диалект**» деб аташни ҳамда **ижтимоий вариантлар нутқи** эканлигини таъкидлайди.

Умуман олганда, «**Ижтимоий диалектлар**» маълум шахс ёки гуруҳ вакилларига хизмат қилади, уларнинг ижтимоий профессионал жиҳатларини фарқлаб ўрганишимизга ёрдам беради. Шунга кўра, ижтимоий диалектларни қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

1. **Профессионал тил** (аниқ бир лексик қатламга хос) балиқчилар, овчилар, дарахт кесувчилар, ўймакорлар, тикувчилар, этикдўзлар, шунингдек, бошқа касб-хунарга оид атамалар.

2. **Маълум бир тўда ва гуруҳга оид жаргонлар**. Масалан, талабалар, спортчилар, солдат ва офицерлар ҳамда бошқа гуруҳ вакилларига хос.

3. **Диалектал қатламга хос сўзлар** (диалектизмлар) улар маҳаллий халқ нутқида хос бўлиб, маълум бир ҳудудда яшовчи халқлар ҳаётини, турмушини, яшаш тарзини акс эттиради. Хуллас, ижтимоий диалектларни бу тарзда тасниф этиш орқали уларнинг муҳим қирраларини аниқлаб олиш мумкин.

1. **Профессионал тил**. Бу тил асосан, тил пайдо бўлишининг муҳим омилларига асосланади, (адабий тил, ҳудудий диалект) луғат таркибида ўзининг алоҳида ўрнига эга. Профессионал тил ҳар бир касб-хунарга хос маъно касб этади. Айтайлик, этикдўзлар касби билан боғлиқ турли атамалар шу доирада қўлланса, ўймакорлар, наққошлар ва бошқа касбга оид атамалар ҳам ўз доирасида ишлатилади. Профессионал тилда ҳар бир касбга доир маҳсулотларнинг тури алоҳида қўлланилади. Масалан, 10 дан ортиқ машина турлари қўлланилади (кир ювиш, тикиш, бўёқ ва пардоз бериш) ёки 6-7 турдаги болта, 5-6 болға, 10 дан ортиқ арра номлари алоҳида ишлатилади. Кўнадики, бу каби терминлар профессионал нутқнинг ўзига хос ижтимоий маъно касб этишини англатади.

2. Жаргон ва уларнинг ижтимоий моҳияти. Айрим ижтимоий гуруҳлар томонидан яратилиб, умумхалқ тилидан фарқ қилувчи дабдабали ёки яширин диалект жаргон дейилади. Ўтмишда саводсиз бўлган оммани эзувчи синф вакиллари ўз ниятларини амалга ошириш мақсадида кишилар учун тушунарсиз сўзлардан фойдаланиб келишган. Одатда бундай сўзлар жаргонлардир.

Жаргон-бу француз тилидан олинган бўлиб, «бузилган тил» демакдир. Жаргонлар, асосан, форс-тожик, араб ва бошқа тиллардан олинган бўлиб, улар товуш томонларидан ҳам, маъно томонларидан ҳам бузиб ишлатилади.

Жаргонларнинг ижтимоий муҳитда тутган ўрни шундаки, улар муайян ижтимоий синф вакиллари, мансабдор шахслар, оддий шахслар ўртасида юз берувчи жараёнларни акс эттиради. Масалан: **офтоби олам (подшоҳ), матлуқ этмоқ (ўлдирмоқ), момақаймоқ (чиройли, гўзал), якан (пул), даҳ (яхши)** каби жаргонлар ижтимоий муҳитнинг турли жабҳаларига алоқадор шахсларнинг қиёфасини, мансабини, шахсини англаштиришга ёрдам беради.

Жаргонлар ижтимоий муҳитда айрим шахсларнинг шахсий манфаатларини яшириш туфайли юзага келган ҳодисадир. Шунга кўра, жаргон кишилар учун тушунарсиз кўринади. Кундалик ҳаётда жаргонлар студентлар, умуман, ёшлар нутқида ҳам сезилиб туради. Масалан, **қуладим, йиқилдим (икки олдим), йигитнинг баҳоси (уч), ўпка (овлиқма одам), танка (талабага ҳомийлик қилаётган шахс, домла маъносиди).**

Пахан, махан (ота-она) қабилар ёшлар нутқида учраб туради. Умуман олганда, маълум бир гуруҳ ва тўда вакиллари нутқи учун хос бўлган жаргон-ижтимоий диалектларнинг бир тури сифатида тилда яшаш тарзида ўз ўрнига эга.

3. Диалектал қатламга хос (диалектизмлар) сўзлар. Маълумки, кундалик турмушда кишилар бир-бирлари билан турли муносабатда бўладилар, яъни ўзаро фикрлашадилар, суҳбатлашадилар, ниманидир инкор этадилар. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, адабий тилда ўқитувчи ва ўқувчи нутқида, телевидение ва радио дикторлари нутқида учрайдиган шева унсурлари адабий тил қоидаларига зид бўлади. Одатда, шева унсурлари умумхалқ тилига эмас, балки шу умумтилнинг маҳаллий кўринишларига хос бўлган ҳодиса саналади.

Ижтимоий ҳаётда диалектизмларнинг алоҳида ўрни бор, чунки диалектал сўзлар умумтил луғат бойлигининг бир қисмини ташкил этади. Диалектал сўзларнинг маълум бир қисми адабий тилга танлаб олинади ва улар адабий тил услубида қўлланилади. Демак, диалектизмлар ижтимоий ҳаётнинг турли табақасига мансуб шахслар нутқида хос бўлиб, улар ўзига хосликни бериш мақсадида ишлатилар экан. Шу ўринда В. Белинскийнинг қуйидаги сўзларини эслаш юқоридаги фикримизга ойдинлик киритади: **«Улуғ сўз санъаткори бойни ҳам, деҳқонни ҳам ўз тилида гапиришга мажбур қилади».** Шундай қилиб, диалектизмлар маҳаллий шеваларга хос бўлган

лисоний хусусиятларнинг табиийлигини, ўзига хослигини таъминловчи ижтимоий диалектдир.

Умуман олганда, ижтимоий диалектлар ижтимоий тил билимларини чуқур ўрганишимизга кенг имкониятлар очиб берувчи тил ходисаларидир. Улардан маълум мақсадларни амалга ошириш учун фойдаланиш социолингвистика қонун-қоидаларининг чуқур ечимини топишга ёрдам беради.

Савол ва топшириқлар:

1. Ижтимоий диалектлар деганда нималар назарда тутилади?
2. Профессионал тилнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?
3. Жаргон ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги моҳияти қандай белгиланади?
4. Диалектизмлар умумхалқ тилининг қайси жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган?

Таянч сўзлар

Ижтимоий диалектлар, фонетик системаси, лексик-грамматик хусусияти, профессионал тил, жаргон ва арго, диалектизм, диалектал сўзнинг маълум бир қисми, маҳаллий шева.

ДИГЛОССИЯ. ТИЛНИНГ ҲОЛАТИ ВА ВАЗИЯТИ

Режа:

1. Диглоссия ҳақида умумий тушунча
2. Тилнинг ҳолати нима?
3. Тилнинг вазияти хусусида маълумот

Тил ҳолатининг энг содда варианты шахс ёки тил аҳлининг тилнинг фақат бир формасидан фойдаланишидир. Бу моноглоссия деб юритилади. (**mono-бир, glossa- тил**), яъни бир тил формасидан фойдаланиш демакдир. Моноглоссияга зид тарзда қўйилувчи тил кўриниши-варианти диглоссия деб юритилади. Диглоссия (**di-икки, glossa-тил**) икки тилдан фойдаланиш демакдир.

Моноглоссия кам учрайди: диалект, уруғ тили ёки қабила тилларига хосдир. +абила тилларида ҳам диалектлар айтарли даражада йўқ.

Диглоссия-бошқача (полиглоссия-кўп тил) дан фойдаланиш демакдир.

Моноглоссия кам учрайди: диалект, уруғ тили ёки қабила тилларига хосдир. +абила тилларида ҳам диалектлар айтарли даражада йўқ.

Диглоссия-бошқача (полиглоссия-кўп тил) дан фойдаланиш демакдир.

Диглоссиянинг энг муҳим вариантлари қуйидагилар:

1. Вариант: адабий тил ва халқ оғзаки тили.

Масалан, ўзбек адабий тили ва халқ оғзаки тили.

2. Вариант: Адабий тил-койне.

Хоразм адабий тили ва +иёт қишлоғи койнеси.

3. Вариант: Адабий тил-жонли сўзлашув тили, ўзбек адабий тили ва жонли сўзлашув тили (стилистик нормалар).

4. Вариант: Адабий тил-махаллий диалект.

5. Вариант: Адабий тил-ижтимоий диалектлар.

6. Вариант: Халқ оғзаки тили- адабий тил.

7. Вариант: Халқ оғзаки тили-жонли сўзлашув тили.

8. Халқ оғзаки тили-худудий диалект ва бошқалар.

ТИЛНИНГ ҲОЛАТИ

Социолингвистика-тилнинг ташқи-функционал томони ва ички-грамматик қурилишини биргаликда ўрганади. **Тилнинг ташқи ва ички томонининг ўзаро алоқаси тилнинг ҳолати деб юритилади.** Тилнинг ҳолати деганда, тилнинг ҳамма вариантларининг йиғиндиси тушунилади. Улар қуйидагилардан иборат:

а) функционал-вазифавий алоқалар (бадий, илмий, расмий, оммавий публицистик, сўзлашув).

Бу стиллар тилнинг яшаш ҳолатини, унинг ижтимоий факторларини белгилаш билан бирга, уларнинг функционал даражасини аниқлашга хизмат қилади.

б) мавжудлик формалари (диалект, халқ тили, миллий тил). Бу ҳолат тилнинг яшаш имкониятларини бевосита белгилаб беради, чунки булардан-оғзаки ва ёзма нутқда, диалект, халқ тили, миллий тил кўринишларидан кундалик турмушда ижтимоий муносабатларни ифода этишда фойдаланилади. Булар тилнинг яшаш ҳолатининг юзага келишида асос бўлади.

ТИЛ РЕАЛИЗАЦИЯСИ (О/ЗАКИ ВА ЁЗМА)

Даставвал, тилнинг оғзаки шакли юзага келади, кейинчалик бу ҳолат оммавий тарзда ёзма шаклга ўтади. Г. Степановнинг таъкидлашича, **«Хар қандай халқ тили оғзаки услубда ҳосил қилиниб, унга сайқал берилади ва кейинчалик халқ тили вариантларини шоир, олим ва ёзувчилар ёзма услубда яратадилар»**, дейди.

Тилнинг ҳолати ҳақида аниқ фикрларга эга бўлиш учун авваламбор, унинг қай тарзда ёки қай йўсинда пайдо бўлиши, мулоқот жараёнида тил имкониятларининг тўғри сарфланиши ҳамда халқ тили ва миллий тил шакллариининг яшаш тарзини билишдан иборатдир.

Тилнинг вазияти. Тилнинг вазияти деганда, турли формадаги тил оилалари алоқасининг маълум тарихий шароитда конкрет кўриниши,

шаклланишидир. Тил вазиятининг уч зарурий жиҳати мавжуд: **1.Тилнинг шаклланишидаги ижтимоий муҳит.** Бу мураккаб жараён бўлиб, бундай шаклланишда ижтимоий-сиёсий муносабатлар катта роль ўйнайди. Масалан, 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши. **2.Икки тилдан фойдаланишнинг муҳит ва доираси. Бир ёки бир неча тиллардан фойдаланиш.** Масалан, Ўзбекистонда рус миллати, тожик миллати ва бошқа миллатларга оид шахслар ўз тиллари билан бир қаторда ўзбек тилидан ҳам фойдаланиш имкониятига эгадирлар.

3.Тилнинг мавжудлиги. Тил мавжуд ҳодиса, унинг яшаши, ривожланиши ҳамда тараққиёти бевосита тил мавжудлигини белгилайди. Тилнинг ҳолати тил вазиятининг бир кўринишидир. Бу бир регионда икки (блингвизм), баъзан кўп (полингвизм) тилдан фойдаланишдир.

Шундай қилиб, тилнинг вазияти мураккаб ижтимоий-лисоний ҳодиса бўлиб, уни ўрганиш улкан ижтимоий тил қонуниятидир.

Савол ва топшириқлар:

1. Диглоссия деганда нимани тушунасиз?
2. Диглоссиянинг энг муҳим вариантлари нималар?
3. Тилнинг ҳолати деганда нималар тушунилади?
4. Тил реализацияси ҳақидаги фикрларингиз?
5. Тилнинг вазияти дейилганда нима эътиборга олинади?

Таянч сўзлар

Диглоссия, икки тилдан фойдаланиш, қабила тиллари, диалектлар, тил ҳолати, мавжудлик шакли, халқ тили вариантлари, халқ тили шакли, тил вазияти, тилнинг яшаш ҳолати, блингвизм, полингвизм.

ИККИ ТИЛЛИЛИК ВА УНИНГ СОЦИАЛ АСОСЛАРИ

Режа:

1. Икки тиллилик ва унинг моҳияти
2. Икки тиллиликнинг социал асослари

Мустақиллик туфайли мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётини қайта қуриш, демократлаштириш соҳасида олиб борилаётган кенг кўламдаги барча ҳаракат ва интилишлар, гарчи анча қийинчилик билан амалга оширилаётган бўлса-да, давлат тузилишидан тортиб, ишлаб чиқариш, фан, маданият, маориф ва маънавиятнинг барча жабҳаларида дастлабки ижобий натижалари кўрина бошлади. Бу бутун жамоатчилик вакилларига асрлар оша қалбларида пинҳон сақланиб келаётган орзу-умидлари, қайғу-хасратларини баралла айтиш имконини туғдирди.

Мустақиллик миллатимизнинг ўз-ўзини англаш, миллий муносабатлар ва уларни ҳал қилиш, шубҳасиз, шу билан боғлиқ равишда миллий тилимизнинг тақдири, тараққиёти ва келажакдаги истиқболи масалаларини ҳозирги давр кун тартибининг асосий масалалари сифатида майдонга чиқарди.

Айниқса, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши мактаб ва олий ўқув юртлирида она тили ўқитишнинг самарадорлигини ошириш билан бирга, ўзбек тилшунослиги олдида ўзбек тили тараққиётининг муҳим муаммоларини ҳал қилиш масалаларини қўйди. Ана шундай масалалардан бири ўзбек ва бошқа тиллар-икки тиллилиги масаласидир.

1. Икки тиллилиқ индивидуал (хусусий) ҳодиса эмас, балки ижтимоий ҳодисадир. Бунинг маъноси шундаки, ҳар қандай икки халқ ё миллат икки тиллилиги ҳақида гап борганда, ана шу тилларга мансуб кишиларнинг ҳар икки тилда эркин сўзлашув алоқаси мавжудлиги назарда тутилмайди, балки икки тил вакилларининг ҳаммаси учун умумийлик, ижтимоийлик касб этиши назарда тутилади.

2. Икки тиллилиқда ҳар иккала тилнинг тенглиги, икки тилда мулоқотда бўлувчи ҳар икки халқнинг икки тилни баравар ўзлаштириш масаласи ҳал қилувчи масаладир. Ҳар қандай икки тиллилиқни тўла мавжуд дейиш учун шу тил вакиллари ҳар икки тилда эркин фикр юритишлари, ҳар икки тил қонуниятларига амал қилишлари талаб этилади. Агар тиллараро бундай ижтимоий алоқа тўла рўёбга чиққан бўлмаса, ҳали икки тиллилиқ ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

3. Икки тиллилиқнинг территориал (худудий) чегараланганлиги, икки тиллилиқ мавжуд мамлакатнинг айрим пункт ва регионларида шаклланиши бу масалаларнинг асосий факторларидан биридир. Бундай ўринларда икки халқ, миллат ёки элат вакилларининг узоқ тарихий жараёнда биргалиқда ҳаёт кечиришлари, уларнинг иқтисодий турмуш шароитлари, маданияти, урф-одатларида бир хилликнинг юзага келиши икки тиллиқни рўёбга чиқаришнинг энг муҳим омилларидандир. Масалан, Бухоро, Самарқанд, Наманганнинг Чуст, Хўжанд, Конибодом, Тожикистоннинг +ўрғонтепа каби шаҳр марказларида ўзбек-тожик ёки тожик-ўзбек икки тиллилиги бунга мисол бўла олади.

4. Икки тиллилиқнинг этник-профессиянал қатламларга муносабати масаласи ҳам ҳал қилувчи омиллардан биридир. Ўзбек тилининг бошқа ҳар қандай тил билан икки тиллилиқни ташкил қилиши учун ўзбек халқининг барча этник қатламлари ва барча касб-ҳунарда доир кишиларни кўзда тутилаётган икки тилда алоқа қилиш имкониятларига эга бўлишлари лозим. Статистик маълумотларга қараганда, ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг катта қисми кишлоқларда, деҳқончилик билан шуғуллангани ҳолда, икки тиллилиқнинг бошқа вакиллари бу соҳада жуда озчиликни ташкил этади.

Бу ҳақда озарбайжон-рус иккитиллилиги ҳақида тўхталиб, А. Баскаков жуда яхши фикр баён қилади: **Озарбайжон-рус икки тиллилиги ҳақида гап**

бориши учун бу икки тилнинг турли ижтимоий гуруҳларда қўлланилишига назар ташлаш лозим; бутун 100 % озарбойжон дехқонлари, уй шароитидаги барча озарбайжонлар фақат озарбайжон тилида сўзлашади; шунга кўра, қишлоқ районларида рус аҳолиси ниҳоятда кам бўлганлиги учун, бундай жойларда озарбайжон-рус иккитиллилиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Икки тиллиликнинг ҳар икки тил ички қурилишининг (фонетика, лексика, морфология ва синтаксиси) ижтимоий вазифасига муносабати муҳим аҳамиятга эга.

Икки тиллилик шароитида тилларнинг ички қурилишида трансформация (ўзгариш бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш) ҳодисаси юз беради, лекин бундай ўзгариш икки томонлама бўлиши керак. Доим бир тил иккинчисидан турли грамматик ҳодисаларни олса-ю, иккинчиси биринчисидан ҳеч нарса олмаса, бу-трансформация бўлмайди, бундай ҳолда икки тиллилик юз бермайди. Масалан, ўзбек ва тожик икки тиллигида фонетик трансформация юз берганда, ўзбек тили тожик тили фонетикасига хос айрим хусусиятларни ўзига қабул қилгани ҳолда, тожик тили ҳам ўзбек тилининг баъзи фонетик хусусиятларини ўзида акс эттириши керак. Шунда ҳар икки тилда икки тиллилик томон силжиш юз беради.

Икки тиллилик шароитида трансформация тилларнинг лексикасида кучли бўлади, тиллар доим бири иккинчисидан янги сўзлар билан бойиб боради. Одатда тилдан-тилга фақат отлар ўтади, бошқа туркумларда кўчиш деярли кузатилмайди. Чунки, бир халқ бошқа халқдан бирор предметни ифодаловчи сўзни ҳам олади. Шунинг учун машҳур тилшунос олим Ж. Вондриес «**Нарса кетидан сўзлар келади**», дейди.

Морфологияда кўчиш кам, синтаксисда сўз бирикмалари ва гап моделлари кўчиши мумкин.

Масаланинг иккинчи томони, икки тиллиликнинг ижтимоий вазифаси деганда, ҳар икки тилнинг бу жиҳатдан тенглиги назарда тутилади, тиллар ўртасидаги функционал тенгсизлик иккитиллилик учун зиддир.

6. Икки халқ аралашув (контакти) алоқаси икки тил контактини-икки тиллиликни келтириб чиқариш учун объектив шароит, объектив сабаблар мавжуд бўлиши керак.

Икки тиллиликни ҳеч қандай буйруқбозлик ёки қарорлар асосида вужудга келтириш мумкин эмас, фақат узоқ тарихий жараёндаги эллараро алоқа, тиллараро алоқагина икки тиллиликни келтириб чиқариши мумкин.

Савол ва топшириқлар:

1. Икки тиллиликни қандай ҳодиса сифатида қараш мумкин?
2. Икки тиллиликда икки тилнинг қандай ҳолати назарда тутилади?

3. Икки тиллиликнинг ҳудудий чегараланиши деганда нима тушунилади?
4. Икки тиллиликнинг этник, профессионал қатламларга муносабати деганда нимани тушунаси?

Таянч сўзлар

Миллий муносабатлар, миллий тилимиз тақдири, икки тиллилик ижтимоий ҳодиса, икки тилда мулоқатда бўлиши, ҳудудий чегараланиши, икки халқ, миллат ёки элат, икки тил алоқаси.

ТИЛНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТИПОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Функционаллик ва унинг моҳияти
2. Функционаллик тилнинг ижтимоий шаклланишидаги асосий манба сифатида

Тилнинг функционал асосларини ўрганамиз ва унинг ижтимоий-тарихий, социум хусусиятларини билиб олишга интиламиз.

Гап тилларнинг функционал хусусиятлари ҳақида борар экан, унинг генеологик, типологик (морфо-синтактик) ва ареал таснифи бутун дунё тилларини таснифлаш асосида, қолаверса, тиллар алоқаси билан боғлиқ ҳолда типологик жараёни юзага келтиради.

Тил алоқа-аралашувдаги муҳим восита саналиб, унинг асосий вазифавий ўрни коммуникатив функцияни бажаришидир.

Kommunikatio-lat-тил ходисаларининг мақсадга мувофиқ тарқалишидир. Тилнинг бундай функция бажариши ҳозирги ўзбек ва жаҳон тилшунослари томонидан эътироф этилиб келинмоқда ҳамда унинг экспрессив функцияни бажаришига эътибор қаратилмоқда. **Exspressia-маъно кучайтириш демакдир.**

В.А Аврорин тилнинг функциясини қуйидагича бўлакларга ажратиб ўрганади:

1. Коммуникатив функция умуман алоқа аралашув билан боғлиқ;
2. Экспрессивлик маънонинг кучайтирилиши ва нутқда таъсирчанликни ошириши;
3. Шакл ва мазмуний маъно касб этиш;
4. Ижтимоий билим ва муаммоларни ҳал этиш даражасида эканлиги.

Тилнинг функционал вазифаси дейилганда, ижтимоий ҳамда хусусий ном билан ифодаланиш тушунилади.

Тилнинг ижтимоий функцияси умумтил муносабатларидан келиб чиқиладиган фикрлар, хулосалар мажмуаси билан шаклланган ҳолда аниқ,

тўлақонли маъно касб этади, умуман ижтимоий функция талабларига жавоб беради.

Тилнинг ижтимоий функцияни ўташи ҳақида кўпгина фикрларни рус тилшунос олими Ю. Дешериев айтиб ўтади. Жумладан, олим шундай дейди: «**Тилнинг вазифавий функцияси унинг бошқа функцияларидан фарқли равишда инсониятнинг ижтимоий ҳаёт муносабатларига хизмат қилишини тил факторлари орқали акс эттиришидадир**»- деб таъкидлайди. Чунки, тилнинг вазифавий жиҳатлари, экспрессивлик, эстетик, гносеологик хусусиятларга эга бўлиб, тилнинг бойишига асос бўлиши мумкин.

Тилнинг функционал типологияси мантиқан юзага келади. Агарда унинг шаклланиши хусусида фикр юритилса, маълум яруслар асосида вужудга келишини тушуниш мумкин бўлади. Унинг фикрича, юқори яруси коммуникатив вазифада мантиқий схема асосида юзага келади. Иккинчи, ўрта ярус бўлак функция-ижтимоий, экспрессив хусусиятга эга бўлади, учинчи қўйи ярус ҳар бир қисмининг, ижтимоий функция бажаришини, холбуки, тиллар ўртасидаги функциявий ифодаланиш билан боғлиқ.

Шу ўринда тилнинг функционал таснифи хусусида ҳам маълум бир масалалар борки, улар тилнинг функционал асосда пайдо бўлиши, тўлақонли, мақсадли тарзда ҳосил қилиниши, тилнинг таснифий бўлинишидир. Бу тарзда функционал ҳосил қилиниш тилларнинг умумий типологик қонуниятларини ўрганишда ва функционал тараққиёт босқичларини ҳис этишда ёрдам беради. Тилнинг функционал босқичлари қуйидаги группаларга бўлинади. 1. Эски ёзувли тиллар. Милоддан олдинги ёзувли тиллар, ёзувсиз тиллар. Ўзбек тили ва унинг функционал тараққиёти ҳам шу группаланиш асосида қурилиши мумкин.

1. Ўзбек тили миллатлараро муносабатда ишлатилувчи тил сифатида.
2. Ўзбек адабий тилининг мамлакатлараро муносабатларни тиклашда ўрни.

3. Ўзбек адабий тилининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ва автоном областларда ишлатилиши.

4. Ўзбек ёзма адабий тилининг ижтимоий функцияни бажаришдаги чегараланиши (диалектлар, лаҳжалар, касб-ҳунарга оид сўзлар).

5. Тилларнинг типологик функцияси умумтил доирасида мумкин қадар кенг жорий этилади ҳамда қуйидаги асосда ўрганилади.

1. **Макро сфера асосидаги тиллар.** Бундай тиллар халқлар ўртасидаги тилнинг функционал вазифасини кучайтиради. Халқлар ўртасидаги муносабатларда барча халқларга хизмат қилади. Кўпгина тилларнинг ҳукмронлик доираси кенгайиб боради. Масалан, /арбий Европада инглиз, немис, француз тиллари ва бошқалар.

2. **Ҳудудий тил**-бу тил ёки унинг шундай жонли шаклда бўлиши бошқа тилларга хос эмас, шу мамлакат халқлари тилига хосдир. Ҳудудий тилда,

умумхалқ тили доирасида сўзлар адабий тил учун тааллуқли бўлса-да, этник гуруҳлар тили бундан мустасно.

3. **Ўзбек тили**-бу тил бир мамлакатда яшовчи бир неча миллат учун хизмат қилади, унда шаҳардаги оддий сўзлашув тили, ҳудудий диалектлар, ўзбек тилининг асосий хусусиятларига унинг оғзаки ва ёзма шаклига таъсир этиб боради.

4. **Профессионал тил**-бу тил социал диалектлар, профессионал тил (лексик хусусиятлари), унинг асосий мақсади этник гуруҳ тиллари доирасидаги нутққа асосланишдир. Масалан, Ўзбекистонда этикдўз, чилангар, мисгар, кулолчилик билан қадимдан шуғулланиб келганлар нутқи бунга яққол мисолдир.

5. **Диний тиллар**-бу тил дин ва шариатга дахлдор бўлиб, уларнинг нутқ хусусиятлари асосида юзага келади. Ўзбек тилини тасниф этганда тилнинг функционал характерини қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

Ўзбек тили хусусияти ва диалектлари. Ҳудудий тил, профессионал тил, арго, жаргон ва койне.

Унинг типологик жиҳатларини эса қуйидагича аниқласа бўлади:

Авваламбор, ўзбек тили сайқалланган ва тушунарли тил, ҳозирги пайтда ўзбек тили-Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидир. Асосий тиллар доирасида, ижтимоий тилшунослик масаласига тўлиқ жавоб бера олади. Коммуникатив функцияни бажара олади ва шу кабилар.

Кўринадикки, бу каби таърифлар ўзбек тилининг типологик жиҳатларини тўлиқ аниқлаб олишга имконият яратади.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий лингвистик тасниф, шунингдек, бошқа функционал типологик муаммолар ўзбек тили ва унинг тасниф доирасини, умуман, ўзбек тилининг типологик қонуниятларини билишга, ўрганишга асос бўлади.

Савол ва топшириқлар:

1. Функционаллик деганда нимани тушунаси?
2. Коммуникатив тил ҳодисаси дейилганда нима тушунилади?
3. Тилнинг функционал вазифаси дейилганда-чи?
4. Тилнинг функционал босқичлари қандай тартибда амалга оширилади?

Таянч сўзлар

Генеологик, типологик, морфо-синтактик, экспрессия, коммуникация, тилнинг функционал вазифаси, умумтил муносабатлари, функционал тасниф.

ДИАХРОН СОЦИОЛИНГВИСТИКА ВА УНИНГ МУАММОЛАРИ

Режа:

1. Диахрон социолингвистика ҳақида умумий тушунча
2. Диахрон тилшунослик тарихий тараққиёт қонуниятини ўрганувчи фан сифатида
3. Тарихий тилшунослик ва унинг текшириш объекти

Диахрон социолингвистика грекча **diachroniya**-икки давр билан боғлиқ деган маънони англатади. Социолингвистика синхрон ва диахрон хусусиятларга қараб таҳлил этилар экан, бу икки тил даврининг маълум ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд.

Тилнинг бутун таркиби ва унинг қисмларини бугунги тил ўрганса, унинг бутун тарихий тараққиётини, ҳаракат эволюциясини, диахрон тилшунослик ўрганади. Агар тилнинг ўтмиши ва тарихига назар ташласак, бу масалада эрампдан аввалги V асрга мурожаат этамиз. Чунки шу даврларда хинд грамматикаси нормалари вужудга келган. У Санскрит деб юритилган. Шунингдек, араб тилшунослигида ҳам унинг грамматик қонун-қоидалари масалалари ўрганилган.

Демак, диахрон социолингвистиканинг пайдо бўлиши шу каби масалалар билан боғлиқ экан. Бу ўз-ўзидан халқ жонли тилининг вужудга келишини таъминлаган. Ваҳоланки, бунинг замирида аниқ бир тил тараққиёти содир бўлган.

Диахрон тилшунослик кейинги XIX-XX асрларда тарихий тараққиёт қонуниятини тўлиқ равишда босиб ўтди. Чунки илмий ва ижтимоий тараққиёт унинг тарихий анъаналари, маърифий ва маърифий-маданий юксалиш, халқлар ўртасидаги ўзаро алоқалар унинг юксалишига сабаб бўлди. Ваҳоланки, XIX асрда тил тараққиётининг илмий потенциаллигининг ўзгариши ўз-ўзидан мустақил синхрон тил доираси шаклланишига асос бўлди.

Бу ҳақда Бодуэн де Куртене хали, XIX асрнинг 60-йилларидаёқ тил тараққиётини ички ва ташқи хусусиятлари ҳақида тўхталиб, «**тилнинг ташқи томондан ривож тарихий тараққиёт ва унинг тарихий адабиёти билан боғлиқ бўлса, ички томони эса шу фанни текшириш жараёнида ўзига таянади**»- деб таъкидлаган эди. Холбуки, тарихий тилшунослик ўзининг тараққиёт даврида ижтимоий-маданий соҳада, муҳим аҳамият касб этиб келди, шу билан бирга тарихий тил алоҳида тил тараққиёт қонуниятларини ўрганувчи фан сифатида вужудга келди, бу эса тарихий ижтимоий тилшуносликнинг функционал доирасини янада кенгайтишига олиб келди.

Агар ўзбек тилининг тарихий тараққиёти турли даврларни босиб ўтганлиги нуқтаи назардан эътироф этмоқчи бўлсак, бу борада Алишер Навоий, Бобур, Аз-Замахшарий, Мирзо Меҳдихон, Муҳаммад Яъқуб Чанги, Абулғози Баҳодирхон каби олимлар билан бирга О.Усмонов, Фаҳри Камол, Фитрат, Элбек, /Абдурахмонов, Б.Ўринбоев, У.Турсунов, Ш. Шукуров ва бошқалар ўз ишларида тарихий социолингвистиканинг тараққиёт қонуниятларини белгиловчи жиҳатларини айтиб келдилар.

Жахон тилшунослигида ҳам бу масала доимий равишда ўз мазмунига эга бўлиб келмоқда. Рус тилшуноси В. Журавлев тарихий тилшунослик ва унинг текшириш объектига доир тўхталар экан, «**ички тилнинг тарихи жамият тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, халқнинг тарихи, тил ўсиш жараёни, тиллар ва диалектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бошқа тиллар билан алоқалар, тилнинг ҳолат ва вазиятидаги ўсиши, тил услублари тараққиётига боғлиқ**»- дейди. Бунда В.Журавлев асосий диққат-эътиборни тилнинг функционал тараққиётига қаратади, яъни у ижтимоий тил тараққиётини тилнинг систем қурилишига боғласа, бу масала ўз-ўзидан диахрон социолингвистиканинг тарихий-лингвистик қонуниятлар асосида таъкидлаб ўтади. Шунингдек, ижтимоий тараққиётнинг турли даврларида тил тараққиётидаги ўзгаришлар тарихий-ижтимоий тилнинг ҳаётга тадбиқ этилишида асос бўлган.

Ю. Дешериев тарихий тилшуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган бир мақоласида «**тил тараққиёти тилнинг функциясига боғлиқ эканлигида**»- деб билади. Албатта, бу фикр ҳақиқатга яқиндир. Негаки, тарихий тил давр ўтиши билан ўзининг функционал тараққиётига эга бўлиб келди. Кўринадики, социолингвистика қандай ҳолатда бўлмасин, тилнинг тараққиёти функциясини бажариш жараёнида (умумий функция) жамиятда тилнинг ўзгарувчанлигига алоқадордир.

Шундай экан, диахрон социолингвистика ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганишда қуйидагилар асосий ўрин эгаллайди:

1. Тилнинг тараққиётини тарихий социолингвистик аспектда ўрганиш муаммоси.
2. Ижтимоий-тарихий тилнинг типлари.
3. Аниқ ёки конкрет тарихий тилнинг ижтимоий-лингвистик аспектлари.
4. Ички ва ташқи фактор асосида тилнинг эволюцияси ҳамда унинг ўзаро алоқадорлиги.
5. Тилнинг тараққиёт қонуниятларини тушуниш даражаси.
6. Тарихий-ижтимоий тилнинг шеърят дунёсини вужудга келтиришдаги ўрни.
7. Тилнинг ижтимоий маъно касб этиши қабила диахрон социолингвистиканинг асосий муаммоларидир. Таъкидлаганимиздек, ижтимоий тилшунослик конкрет бир тилнинг, хусусан, ўзбек тилининг тарихий тараққиёт қонуниятини диахрон аспектда ўрганиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, тилнинг функционал даври ва унинг ривожланиш қонуниятлари тарихий ижтимоий тил билимларини пухта ва мукамал ўрганиш асосида амалга ошар экан. Шу ўринда тарихий социолингвистикани ривожлантириш асосида қуйидаги мақсад ва вазифалар ётади; тил тараққиётини турли давр ва сфералар асосида ўрганиш (ўзбек тилини энг ибтидоий қабила ва уруғ тилларида бугунги кундаги миллий тилимиз

тараққиёти билан) тилларни қондош, қариндош ёки қариндош бўлмаган тиллар билан қиёсий-чоғиштириш асосида тарихий қатламларини ўрганиш. Масалан, ўзбек тилини туркий тиллар, жумладан, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, татар, бошқирд каби тиллар билан қиёслаш асосида ўрганиш ва форсий тиллар билан чоғиштириш каби.

Тарихий-ижтимоий тил қонуниятларини бадиий ижодиёт асосида ўрганиш кабилар диахрон социолингвистиканинг асосий мазмун ва мундарижасини белгилаши мумкин.

Савол ва топшириқлар:

1. Диахрон социолингвистика деганда нимани тушунасиш?
2. Диахрон социолингвистиканинг пайдо бўлиш омиллари?
3. Диахрон социолингвистика ҳақида турли хил назариялар?
4. Диахрон социолингвистика билан боғлиқ масалалар қандай ҳал этилади?

Таянч сўзлар

Диахрония, ҳинд грамматикаси, ижтимоий тараққиёт, илмий потенциал, халқнинг тарихи, тил ўсиш жараёни, тил тараққиёти.

ТАРИХИЙ-ИЖТИМОЙ ТИЛНИНГ БОС+ИЧЛАРИ

Режа:

1. Тарихий-ижтимоий тилнинг ибтидоий давр босқичи
2. Тарихий-ижтимоий тилнинг феодал даври босқичи
3. Тарихий-ижтимоий тилнинг капитализм даври ҳаётидаги ўрни

Тарихий-ижтимоий тил босқичма-босқич тарзда ривожланиб келди. Тарихий ижтимоий тилни типик характердаги тил тарзида тушуниш ёки тил ҳолати ва вазиятининг типиклиги билан боғлаб, таққослаб ўрганиш ҳамда тилнинг умумтарихий тараққиёти асосида ҳали давлат шаклланишдан олдин пайдо бўлганлигини билиш лозим.

Ҳар тарихий-ижтимоий тил ва унинг босқичлари хусусида борар экан, тарихий ижтимоий тилнинг ибтидоий, кулдорлик, феодал, капиталистик тузум билан боғлиқ тарзда шаклланиб келганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Тарихий-ижтимоий тилнинг дастлабки босқичи ибтидоий жамоа тузуми даврида пайдо бўлган. Бу давр тарихий-ижтимоий тили ёзувсиз тил (диалект) сифатида юзага келган.

Бу тилнинг юзага келишида қуйидаги омиллар асос бўлиб хизмат қилади, яъни ҳар бир уруғ ва қабила ўзининг маълум диалект қонуниятига асосланган эди ва ўз (диалект) тилига эга бўлган.

Муҳими шундаки, ижтимоий тараққиётнинг ўсиши ва ривожланиши натижасида бу диалектлар бир-бирига яқинлаша бошлади, провардида эса **уруғ ва қабилаларнинг** аста-секин юзага келишига олиб келди. Натижада унинг ижтимоий доираси кенгайиб борди. Таъкидлаш жоизки, ибтидоий жамоа тузуми даврида ҳар бир қабила ва уруғ тиллари қондош ёки қариндош тиллар оиласига жипслашиб, диалектлар таъсири натижасида тараққий этиб келди ҳамда янги-янги қонуниятлар асосида диалектлардан мустақил тил доирасига ўтди.

Тарихий-ижтимоий тилнинг иккинчи босқичи бевосита қулчилик тузуми билан боғлиқдир. +улчилик тузумида синфий жамият пайдо бўлди. Давлат тузуми ўрнатилди. Бу даврда турли қабилаларнинг ўзаро бирлашиши натижасида бир неча диалектлар қўшилиб, умумтил қонуниятини юзага келишига асос бўлди, давлатда янги-янги этник гуруҳлар шакллана бошлади. Демак, қулчилик даврида қабила диалектлари бўлажак, яъни эртанги кун тилининг пайдо бўлишига замин яратди. Бунда асосан ҳудудий диалектлар, койне, вақтинча маълум бир тил вазифасини ўтовчи тилнинг таъсири натижасида иккитиллилик хусусиятлари асосидаги ёзувли тил юзага келди. Ижтимоий-тарихий типдаги бу тил қулчилик даврида ўзининг диглоссия ва икки тиллиликка асосланиши билан характерланади.

+улчилик тузумидан кейин феодал жамияти даврида тарихий-ижтимоий тилнинг функционал хусусиятлари кенгайди. Негаки, феодал тузуми жамоаларни ўзаро бирлаштирди, натижада ижтимоий-умумий ўзининг тарихий талабларига жавоб берадиган, имконияти кенг доирадаги тил шаклланди. Бу даврда юзага келган тилнинг асосий қонуниятини феодализм тузуми талабларига жавоб бериши, шу билан бирга, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамда диний муносабатларда муҳим аҳамият касб этишдан иборат эди. Феодализм даврида тил халққа хизмат қилиши ҳақидаги ғоялар илгари сурилди. Айниқса, ҳудудий диалектлар ўртасидаги грамматик қонуниятлардан ҳамда фонетика ва фонологик қурилиши масаласида ҳам халқчил тил ғоялари ўз ифодасини топа бошлади. Шунингдек, лексикадаги ўзгаришларни инобатга олсак, бунда ҳам халқ тили анъаналари асосида ривож топа бошлаганлиги кўз ўнгимизда гавдаланади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, феодал тузуми даврида тарихий-ижтимоий тил халқ учун хизмат қилганлигини англаш лозим бўлади. Шуниси диққатга молиқки, феодал тузуми даврида ижтимоий ҳаётда анча нотекисликлар юзага кела бошлади. Айниқса, ўзаро феодал урушлар ва унинг талофатлари мамлакатларда фан-техника ривожига салбий таъсир етказди. Бироқ тил тараққиётига ўзаро урушларнинг у қадар таъсири бўлмади.

Зеро, феодал тузуми даврида асосан тил ёзув билан бирга муайян ҳаётда ривожланиб борди, шунга кўра, ўрта асрларда ҳар бир тил қариндош тиллар таъсирида бўлди. Шундай қилиб, феодал тузуми даврида тарихий-ижтимоий тил, тил вазиятининг барча талабларига кўра ҳудудий диалектлар, диалектлараро койне асосида юзага кели. Бу ҳолат йирик шаҳар марказларида

ёзув асосидаги адабий тилнинг вужудга келишига олиб келди. Ҳам оғзаки, ҳам ёзма тил ривожланди.

Тарихий-ижтимоий тилнинг навбатдаги босқичи бу капитализм тузуми даврига алоқадордир. Капитализм тузуми даврида халқ ва миллат тиллари пайдо бўлди. Бу даврда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўсиши натижасида тил халқ мулки сифатида қарала бошланди. Халқ тили адабий тилнинг юқори бир кўриниши бўлиб, оғзаки, жонли сўзлашув каби ҳолатларда ҳам муҳим аҳамият касб этиб келди. Хусусан, XIV-XV асрларга келиб, ўзбек тилининг функционал хусусиятлари кенгайиб, ифодавий жиҳати ривожлана бошлади.

Хулоса қилиб айтганда, тарихий-ижтимоий тил турли тарихий даврларни босиб ўтган. Албатта, бу тарихий даврлар орасида маълум фарқ ва ўхшашликлар мавжуд. Хусусан, ана шу тарихий-ижтимоий тилнинг юзага келишида ўзаро яқин тилларнинг бир-бирига муносабати, айниқса, диалектлардаги ўхшаш қонуниятлар тарихий-ижтимоий тил тараққиётига сезиларли таъсир қилиб келган. Бу ҳолатни тарихий-ижтимоий тилнинг барча босқичларида кузатиш мумкин. Шуларга асосланиб тарихий ижтимоий тил ва унинг босқичлари ўртасидаги айрим боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган жиҳатларни қиёслаш асосида ўрганиш мумкин.

Савол ва топшириқлар:

1. Тарихий-ижтимоий тилнинг дастлабки босқичи қайси даврга тўғри келади?
2. Тарихий-ижтимоий тилнинг қулчилик давридаги ҳолати қандай баҳоланади?
3. Тарихий-ижтимоий тилнинг феодал босқичи даврининг ўзига хос хусусиятлари?
4. Тарихий-ижтимоий тилнинг энг сўнгги босқичи қайси даврга тўғри келади?

Таянч сўзлар

Ижтимоий тил, ёзувсиз тил, уруғ тиллари, қабила тиллари, қондош ёки қариндош тиллар, этник гуруҳлар, тилнинг халққа хизмат қилиши, диалектлараро койне.

ИЖТИМОЙ ЛИНГВИСТИКА ФАНИНИНГ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Режа:

1. Ижтимоий тилшунослик ва умумий фанлар назарияси
2. Ижтимоий тилшуносликнинг текшириш объекти
3. Ижтимоий тилшуносликнинг текшириш усуллари

Ижтимоий лингвистика тилшунослик ва умумий фанлар тизимида ўзининг уч хил текшириш усулига эга.

Биринчидан, социолингвистика «тилшунослик» фани доирасида ўрганиладиган фандир.

У тил ва унинг тараққиёт қонуниятларини ўрганади, тилнинг, асосан, ижтимоий-функционал жиҳатларини текширади. Бу ҳақда В. Аврорин қуйидагиларни баён қилади: «**Ўзининг текшириш объекти нуктаи-назаридан социолингвистика социология ва тарихга яқин туради, бироқ унинг асосий текшириш объекти тилдир, шу билан бирга тилнинг функционаллигини, унинг илмий методологик асосларини ўрганади ҳамда тилнинг оғзаки ва ёзма нутқ билан боғлиқ томонларини текширади.**».

Дарҳақиқат, социолингвистика тил ва унинг қисмларини илмий асосда ўрганар экан, шу жиҳатдан социолингвистика махсус тарзда тилшунослик аспектларини ўрганувчи фан сифатида қаралади. Айнан, тилнинг функционаллиги тил вазияти ва ҳолатига боғлиқ тарзда намоён бўлади. Шу хусусда В.А. Аврорин яна, умуман, тилнинг специфик хусусиятларини ўрганар эканмиз, бу ўз-ўзидан ижтимоий тилшунослик асосларини ўрганишимизга туртки бўлади, дейди. Демак, социолингвистика тилшунослик фанининг ажралмас бир қисми бўлиб, у тил ва тафаккур, тил ва жамият, тил ва халқ, тил ва мафкура, мулоқот тиллари каби тил ҳодисаларини ўрганувчи фандир.

Иккинчидан, социолингвистика фанлараро ўзаро алоқадор бўлган предмет ҳисобланиб, у **социология, тарих, психолингвистика, этнография** фанлари билан узвий боғлиқдир. Бу борада фанлар тизимида тилшунослик ва унга алоқадор бўлмаган фанларни тилшунос ва тилшунос бўлмаган олимлар тадқиқ этишиб, бунинг натижасида умумфанлар ривожининг муҳим қирралари очилади. Немис олимлари **Р.Гроссе ва А. Нойберийлар** ижтимоий тилшунослик ва социологик тил ёки лингвосоциология терминини таклиф қилганлар. Улар назариясида, биринчидан, тилнинг жамият билан алоқаси тилшунослик нуктаи назаридан ўрганилса, иккинчидан, социологик нуктаи назардан текширилади.

Л.Николский ҳам социолингвистиканинг фанлар тизимидаги ўрнини чегаралайди. **Ижтимоий тилшунослик (социолингвистика) лингвосоциология (лингвистик социология)** деб таъкидлайди. Бунда биринчи вазиятда тилнинг тараққиёти ва унинг ижтимоий жараёнлардаги ўрни белгиланса, иккинчидан эса ижтимоий ҳаётга қизиқиш ҳатто социолингвистика чегараланмаган тарзда фанлараро илмий алоқада бўлиши таъкидланади. Унинг фикрича, лингвосоциология, социологлар, тарихчилар, этнографлар билан анъанавий тилшунослар, социолингвистлар бу масалада биргаликда иш

юрйтиши лозимлигини таъкидлайдилар. Шунга кўра, бу масалада қуйидагиларни айтиш лозим. Яъни ижтимоий-гуманитар фанлар тизимидаги илмий-алоқалар **1. Этнография, социология. 2. Анъанавий тилшунослик, хусусан, унинг ижтимоий-маъновий компонентлари.**

Лингвистик социология, ҳақиқатан ҳам, номлари келтирилган барча фанларнинг илмий методларни тилшуносликка тақлид қилган тарзда ўрганади, унинг социал жиҳатларини, иқтисодий, сиёсий томонларини ижтимоий факторлар асосида текширади.

Учинчидан, социолингвистиканинг асосий текшириш объекти унинг мустақил алоҳида илмий асосланувчи фан сифатида эътироф этилишидир. Бу борада социолингвистика унинг алоҳида назарияси, методи ва текшириш объектига эга эканлиги билан белгиланади. Ҳозирги замон социолингвистикаси ва унинг умумий характери хусусида А.Швейцар қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади. **«Тилшунослик шунчаки бир-бирига узвий алоқадор бўлган механик тушунчалар билан чекланмайди, балки унинг ўзининг алоҳида назарияси бўлади, алоҳида текшириш объекти ва алоҳида тушунишни талаб этувчи жараёнга эгадир».** Демак, социолингвистика янги мустақил фандир. У ўзининг барча жиҳатлари билан тилшуносликдан фарқланади, шунингдек, социология ва бошқа соҳалардан ҳам фарқланади. Социолингвистика ҳақида гап борганда, лингвистик методлардан фойдаланишни таъкидлаш лозим, шу билан бирга, социология ва бошқа ижтимоий фанлардан ҳам фойдаланади. Шундай қилиб, ҳозирги ижтимоий-тилшунослик турли хил вазифаларни бажаради, тил ва жамият билан боғлиқ муаммоларни ҳал этади. Айниқса, тилшунослик, социология, тарих, этнография, социал психология, математик статистика ва бошқа ижтимоий-табиий фанлар билан алоқадор масалаларни текширади.

Хуллас, ҳар хил тахминлар ва уларнинг янги-янги усулларини текшириш асосида социолингвистика ривожланиб боради.

Савол ва топшириқлар:

1. Ижтимоий лингвистиканинг текшириш объекти нималар билан боғлиқ?
2. Ижтимоий лингвистика қайси фанлар билан ўзаро алоқадор бўлган соҳа ҳисобланади?
3. Л.Николский социолингвистиканинг фанлар тизимидаги ўрнини қандай чегаралайди?
4. Ижтимоий тилшуносликнинг назария ва методлари ҳақида нималар биласиз?

Таянч сўзлар

Тилишунослик ва умумий фанлар, методологик асоси, тил қисмлари, социология, тарих, психоллингвистика, этнография, анъанавий тилишунослик, математик статистика.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИНИ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСОСДА ЎРГАНИШ

Режа:

1. Ўзбек адабий тили тарихини ўрганишнинг ижтимоий-лисоний хусусиятлари
2. Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш
3. Ҳозирги ўзбек адабий тили ва унинг оламшумул аҳамияти

Ўзбек адабий тили тарихини ўрганиш, асосан, ўзбек халқининг тарихини, унинг ўтмишини, урф-одатларини, маданиятини англаш орқали маълум бўлади. Бунда шу халқнинг ижтимоий тил қонуниятларини даврлаштириш ва бўлимларга бўлиниши ҳам ўзбек адабий тили тарихини ўрганишга асос бўлади.

Гап ўзбек адабий тили тарихини социоллингвистик асосда ўрганиш ҳақида борар экан, шу ўринда бу тилнинг географик жойлашиши жиҳатларини, унинг этнографик хусусиятларини ҳамда ўзбек тилининг қондош ёки қариндош ва бошқа тиллар билан ўзаро алоқалари хусусида ҳам маълумотларга эга бўламиз. Авваламбор, ўзбек адабий тили XI асрдан бошлаб ижтимоий ҳаётда ўз ўрнига эга, юқори мавқели тил сифатида кўрина бошлади. **У араб, форс-тожик, уйғур, хитой** ва бошқа тиллар таъсирида тез суръатлар билан ривожланиб келди. Жумладан, одоб, ахлоқ, меҳр, муҳаббат, зангори, тоза, китоб, кутубхона, чой, апелсин каби сўзлар шу тиллардан ўзбек тили луғат таркибига келиб қўшилганлиги бунинг яққол мисолидир.

Ўзбек адабий тилининг тарихини ўрганишда, **1300-1400** йиллик тарихий даврни ҳис этиш лозимдир, яъни уруғ, қабила тилларидан бошлаб ҳозирги даврдаги ўзбек адабий тилининг юқори босқичга кўтарилган даврларини қиёслаш мақсадга мувофиқдир. Кўринадикки, ҳозирги ўзбек адабий тили ўз тарихини бизнинг замонамизгача етиб келган энг қадимги ёзма ёдгорликлар тилидан бошлаган. Таъкидлаш жоизки, адабий тил мезонлари ҳамма давр учун бир хил бўлмайди, ҳар бир даврнинг ўз адабий тил мезонлари бўлади. Масалан, **XV аср Алишер Навоий даври эски ўзбек адабий тилининг фонетик, грамматик мезонлари** орасида фарқлар борлигини яққол сезиб турамыз. Шу нуқтаи назардан ўзбек адабий тили тарихий тараққиёти О.Усмонов, А.Шчербак, А.Алиев, / Абдурахмонов каби тилшунос олимлар томонидан қуйидагича даврлаштирилган.

1. **Қадимги туркий адабий тил**
2. **Эски туркий адабий тил**
3. **Эски ўзбек адабий тили**

4. Янги ўзбек адабий тили

5. Ҳозирги ўзбек адабий тили

+адимги туркий адабий тил VI-X асрларни ўз ичига олади. Бу давр адабий тили уруғ, қабила тилларининг эндигина шаклланган даврига тўғри келиб, унда асосан ёзма ёдгорликлар яратилган эди. Хусусан, **Урхун-Енисей** ёзма ёдгорлиги шу даврнинг маҳсулидир. Гап қадимги туркий адабий тил хусусида борар экан, бу давр тили ижтимоий муносабатларда муҳим ўрин эгаллаганини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Чунки қадимги туркий қабила, элат, уруғларнинг ўзаро яқинлашуви ва уларнинг тил муҳитида бир-бирларига жипслашиб бориши натижасида қадимги туркий тил маълум бир тил бўғинида юзага келди. Бу эса ўз-ўзидан бу тилнинг ижтимоий муҳит билан чамбарчас юзага келганлигидан далолат беради. Маълумки, қадимги туркий тил X асрга етиб келганда унинг функционал моҳияти кенгайиб борди, аста-секин уруғ, қабила ва элатлар бирлашиб маълум халқ доирасига айланди.

Шу билан бирга, ўзбек тилининг илк шаклланиш даври бошланди. +адимги туркий адабий тил ўрнида эса эски туркий адабий тил фаолиятини бошлади.

Эски туркий адабий тил даври ўз тарихида муҳим масалаларни ҳаётга, жамиятга намоён этган, мустақил тил сифатида юзага келди.

Бу даврда жаҳон аҳамиятига молик асарлар яратилди. Хусусан, **Юсуф Хос Ҳожибнинг «+утадғу билик», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит- турк»** каби буюк асарлари шу даврнинг маҳсулидир.

Бу асарлар ижтимоий ҳаётда муҳим бўлган масалаларни, давр тараққиёти билан боғлиқ муносабатларни ифодаловчи жиҳатларга эга эдики, уларнинг ҳар бирини ўқиган инсон ўша давр муҳитига хос бўлган муаммоларни чуқур ҳис эта олади. Айниқса, тил ва жамият, тил ва халқ, тил ва этник гуруҳлар ўртасидаги боғланиш ўша даврнинг бош масаласи ҳисобланиб, бу борада ҳам чуқур мулоҳазаларга эга бўламиз. Хусусан, буюк тилшунос олим **Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит- турк»** асари ўз даврининг нодир хазинаси ҳисобланиб, ундаги зикр этилган масалалар айнан юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Дарҳақиқат, эски туркий адабий тил катта бир ижтимоий тарихий даврни босиб ўтди. Ниҳоят, туркий адабий тил ўз фаолиятини яқунлаши биланок, эски ўзбек адабий тили юзага келди. Эски ўзбек адабий тили **XIV-XVII** асрларда ривожланиб, бойиб, такомиллашган, шаклланган тил сифатида ҳаётда чуқур из қолдирди. Ана шу давр тилининг ижтимоий муҳитдаги ролини бойитишда **Лутфий, Атоий, Саккокий, Навоий, Бобур** каби буюк шоирларнинг хизматлари ниҳоятда улуғвордир. Навоий ўз даврининг буюк алломаси сифатида ўзбек адабий тили ва унинг ҳаётдаги ролини оширишга алоҳида аҳамият бериб келди. Ўзбек тилини давлат тили сифатида тан олинишига алоҳида эътибор берди. Шу боисдан бўлса керак, Хусайн Бойқарога ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш ҳақидаги таклифларни киритган эди.

+олаверса, ўзбек тилининг дунё тиллари таснифидаги ўрнини ошириш борасида ҳам кўпгина ишларни амалга оширдик, бу ўз-ўзидан **XIV-XVII** асрлар эски ўзбек адабий тилининг ижтимоий-сиёсий ҳамда унинг тиллар ўртасидаги алоқа аралашувдаги ролини ошишига сабаб бўлади.

Эски ўзбек адабий тилининг имконият доираси анча кенгайди, луғат таркиби бойиб борди. Натижада бу тил **XIX** асрнинг иккинчи ярмига келиб ўз ўрнини янги ўзбек адабий тилига берди. Янги ўзбек адабий тили XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланди ва унда **Амир Умархон, Нодирабегим, Муқимий, Фурқат, Завқий** каби шоирлар қалам тебратдилар. Ана шу даврдан бошлаб матбуот тили пайдо бўла бошлади. Хўш, янги ўзбек адабий тили қайси жиҳатлари билан олдингилардан фарқ қиларди, гап шундаки, янги ўзбек адабий тили ижтимоий муносабатларнинг ривожланган даврида пайдо бўлди. Ўрта Осиёда алоҳида хонликларнинг юзага келиши ва бу хонликларда илм-фан, санъат ва маданиятнинг ривожланиши, шу билан бирга, ўзга тилларнинг таъсири натижасида янги ўзбек адабий тили базасида бир неча хил лаҳжа ва диалектларнинг ривожланиши бу давр тилининг такомиллашувига сабаб бўлди. Шунингдек, ўзбек адабий тилининг турли лаҳжа ва диалектларида койне юзага келди. Хусусан, Тошкент адабий тили муҳитида **Тошкент койнеси**, Хоразм адабий тили муҳитида **+иёт койнеси** ва бошқалар бунинг яққол далилидир.

Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштиришнинг энг сўнгги босқичи бу ҳозирги ўзбек адабий тилидир. Бу тил XX асрнинг 20-йилларидан шакллана бошлади. Бу давр тилини такомиллаштиришда **А.+одирий, Фитрат, Чўлпон, Бехбудий, Авлоний, Ҳ.Олимжон, /./улом, Ойбек, А.+ахбор** каби атоқли сўз усталари бекиёс ҳисса қўшдилар.

Дарҳақиқат, ҳозирги ўзбек адабий тили инсоният тарихида муҳим из қолдирган тил сифатида юзага келди. Негаки, ўзбек тилининг юзага келиши унинг ижтимоий ҳаётда ниҳоятда имконият доираси кенгайган бир даврига тўғри келади. Ҳозирги ўзбек адабий тили миллий тил даражасига етиб борди. Бу ўз-ўзидан ҳозирги ўзбек адабий тилининг ривожланиб, такомиллашиб бораётганидан далолат беради. Шуни ҳам қайд этиш керакки, бошқа даврлар тилидаги сингари ҳозирги ўзбек адабий тили ҳам адабий тил ва жонли сўзлашувдан иборатдир.

Кундалик ахборот воситалари-матбуот, радио, телевидение бу тавофутни йўқотишга қаратилган. Бундан ташқари, давр ўтиши билан тилдаги кўпгина нуқсонлар аста-секин йўқолиб боради, хусусан, шеваларнинг адабий тилга нисбатан ноўхшаш томонлари текисланиб боради, адабий тил эса мукамаллашиб, силлиқланиб боради. Бу ҳам ҳозирги ўзбек адабий тилининг ижтимоий-лисоний мавқеини ошишига тurtки бўлади. Шундай қилиб, ўзбек халқи ва тилининг генезисидан мураккаб ижтимоий жараёнлар ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг шаклланишида ҳам ўз аксини топди.

Савол ва топшириқлар:

1. Ўзбек адабий тили тарихини ўрганишда асосан нималарга эътибор берилади?
2. Ўзбек адабий тили тарихини ўрганишни уруғ, қабила тилларидан бошлаш мумкинми?
3. Ўзбек адабий тили тарихини неча даврга бўлиб ўрганамиз?
4. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг миллий тил даражасида бўлишида нималарнинг роли бор?

Таянч сўзлар

Ижтимоий тил қонуниятлари, бошиқа тиллар билан ўзаро алоқалар, адабий тил мезонлари, туркий қабила, элат, уруғларнинг ўзаро яқинлашуви, мустақил тил, ижтимоий-тарихий давр.

МУСТА+ИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ИЖТИМОЙ ЛИНГВИСТИКА

Режа:

1. Ўзбек тили-Ўзбекистон Республикасининг давлат тили
2. Ўзбек тилининг халқаро майдондаги мавқеи
3. Ўзбекистонда ижтимоий тилшунослик масаласидаги саъи - ҳаракатлар

Мамлакатимизнинг истиқлолга эришиши ўзбек халқининг маданий-маънавий ҳаётида улкан ижобий ўзгаришларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Истиқлол туфайли миллий кадриятларимиз тикланмоқда. Халқимизнинг маънавияти, маданияти, ахлоқий эътиқодлари, миллий руҳ ва янги мазмун билан тўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов «**Халқнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш**» давлат аҳамиятига молик эканлигини таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ҳаётимиздаги энг муҳим ўзгаришлардан бири бўлди. Негаки, асрлар давомида амалга ошмаган халқимиз орзуси рўёбга чиқди. Бир пайтлар оила, кўча ва оддий сўзлашувда ишлатилиб келинган ўзбек тили эндиликда дунё микёсидаги йирик анжуманларни ўтказиш даражасидаги тил сифатида майдонга келди. Хўш, бунинг туб моҳияти нимада? Албатта, тил халқ ва миллатнинг кўзгуси. У ҳар бир халқнинг ва миллатнинг яшаш тарзини, ижтимоий муносабатлардаги ўрнини, турмушини, урф-одатларини ўзида намоён этади. Шундай экан, ўзбек тили ўзбек халқининг ижтимоий ҳаёт тарзини ақс эттиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Холбуки, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир шахс

Ўзбек тилининг имкониятларидан тўла-тўқис фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Демак, иркидан, миллатидан, ёши ва жинсидан қатъий назар ўзбек тили шу она заминнинг барча кишилари учун ўз она тиллари сифатида ҳисобланиб келингани диққатга моликдир. Мустақиллик йилларининг дастлабки кунларидан бошлаб ўзбек тилининг имконият доираси янада кенгайиб борди. Хусусан, унинг ижтимоий тил фактори сифатидаги мавқеи ошиб бормоқда. Кейинги йилларда жаҳон тилшунослигида (инглиз, немис, француз, рус) бўлгани каби ўзбек тилининг барча сатҳлари бўйича кўплаб илмий изланишлар қилинмоқда, дарслик, қўлланмалар ҳамда мақолалар яратилмоқдаки, бунинг ўзи ўзбек тилининг тараққиётига сезиларли таъсир қилмоқда. Хусусан, ижтимоий лингвистика соҳасида олиб борилаётган кўпгина тадқиқотлар ўзбек тили тараққиётидаги муҳим ва долзарб масалалар сирасига киради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат бўлиб, юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир миллат ва ҳатто кичик этник гуруҳлар ҳам унинг равнақи йўлида ўз куч-қудратларини сарфлаб келишмоқда. Хусусан, давлатимизнинг олий таълим ва ўрта махсус билим юртларида ҳамда коллеж ва лицейларда ўзбек тилини ўқитиш ва ўргатиш ишлари билан боғлиқ масалалар амалга оширилиб келинмоқдаки, бу ҳам Ўзбекистонда ижтимоий лингвистика фанининг ролини ошиб бораётганлигидан далолатдир. Бугунги кунда ўзбек тили мамлакатимиздан ташқари кўпгина давлатларда ўқитилиб, ўргатилиб келинмоқда ва бу борада ҳамкорликлар қилиняпти. Хусусан, **А+Ш, Германия, Россия** каби давлатларда ўзбек тилини ўрганишга қаратилган ишлар ҳамда шу нуфузли мамлакатларда ўзбек тили марказларининг ташкил этилиши бунга яққол мисолдир. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ижтимоий тил, тил қурилиши ва тил сиёсатида муҳим ўрин эгаллаётганлигини ҳам алоҳида уқтириб ўтмоқ лозим. Айниқса, ўзбек тилининг давлатимиз институтларида ўқитилиши ва ўргатилиши ёшларга тил ва тафаккур, тил ва диний ақидалар, тил ва ёш, тил ва жинс ҳақида тўла-тўқис маълумотларга эга бўлишида муҳим кўмак вазифасини ўтаб келмоқда. Куни кеча, яъни мустақилликка қадар асрлар давомида боболаримиз, авлод-аждодларимиз томонидан айтиб келинган миллий урф-одатларимизга дахлдор бўлган чиройли сўзлашлар таъқиқланиб келинди. Масалан: озиқ-овқат истеъмол қилгандан сўнг омин дейишнинг ўзини қоралаш, ёки «**Ассалому-алайкум**» деган кишига нисбатан ҳам ёмон кўз билан қарашлар мавжуд эди ва аксинча, улар ўрнида ўша Еврўпоча муносабатларда бўлиш маъқул деб келинди.

Эндиликда булар ўрнида ўша асрий қўлланилиб келинган ўзимизнинг анъаналаримизга асосланмоқдамизки, бу эса ижтимоий тилшунослик фанининг мавқеини мустаҳкамлаш йўлидаги дадил ҳаракатлардир. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ижтимоий тилшунослик масаласида қилинаётган саъйи ҳаракатлар тил ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг умумлашувида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ўзбек тилининг жамият тараққиётидаги ўрнини

белгилаш, унинг ижтимоий вазифани бажаришдаги муҳимлигини аниқлаш ҳам ижтимоий тилшуносликнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Айниқса, инсоннинг лисоний хулқи, ижтимоий ҳаётда унинг тил материалларидан, сўз ишлатиш жараёнидан фойдаланиш жиҳатлари ҳам ижтимоий лингвистика аспекти доирасидаги масалалардан биридир. Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда ижтимоий лингвистика фани ўзининг предметиға эға бўлиши билан бирға яхлит фан сифатида шаклланмоқда. Шундай бўлса-да, мамлакатимизда ижтимоий лингвистика фанини ривожланиши учун айрим муаммолар ҳалигача ўз ечимини топгани йўқ. Бу фаннинг юртимиздаги тараққиёти йўлида анчагина ишлар қилинмоғи лозим. Хусусан, Ўзбекистонда ижтимоий лингвистика фанининг муҳим вазифалари сифатида қуйидагиларни бажариш мақсадға мувофиқдир.

1. Ўзбек тилининг ижтимоий мавжудлигини аниқлаш;
2. Ўзбекистонда билингвизм ва кўп тиллиликнинг ижтимоий хусусияти;
3. Ўзбек тилининг (нутқий) вазиятлари типологияси
4. Ўзбек миллий ва адабий тили ҳамда уларнинг ижтимоий вазифасини бажариш каби масалаларни тадбиқ этиш лозим.

Замонавий социолингвистиканинг энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, у тилшунослик ва социологияға хос занжирсимон боғланиш ҳосил қилмасдан, уларнинг яғона назария, яғона объект тушунчасининг бирлиги ҳамдир. Тилнинг жамият ҳаётидаги ўрни, унинг жамият тараққиётиға кўрсатадиган таъсири социологлар, этнографлар каби соға вакиллари учун тадқиқот манбаидир.

Ўзбекистонда ижтимоий лингвистика фанининг тараққиётиға муҳим аҳамият касб этади дейиш мумкин. Хуллас, юқоридагиларға асосланиб, Ўзбекистонда ижтимоий тилшунослик билан боғлиқ айрим масалаларни бажармоқ лозимлигини таъкидламоқчимиз:

1. Ўзбек тилининг ижтимоий муносабатларда ижтимоий- тарихий фактор сифатидаги ўрнини белгилаш.
2. Ўзбекистонда ижтимоий тилшуносликнинг худудий диалектлар орқали белгиланиши.
3. Ҳозирги пайтда ўзбек тилининг Ўзбекистондаги барча миллат ва элатлар учун марказий ядро сифатидаги ўрни.
4. Ижтимоий тилшуносликнинг мустақил мамлакатимиз тараққиётидаги ўрнини белгилаш.
5. Ўзбекистонда ижтимоий лингвистика масалаларидан келиб чиққан ҳолатда, унинг тил сиёсатидаги ўрнини аниқлаш кабилар ҳозирги ўзбек ижтимоий лингвистикасининг асосий қонуниятларини ўрганишимизға асос бўлади.

Савол ва топшириқлар:

1. Мамлакатимизнинг истиклолга эришиши ўзбек тили ривожига қандай самара берди?
2. Мустақиллик йилларида ўзбек тили мавқеининг ошиши учун нималар қилинди?
3. Ўзбекистонда ижтимоий лингвистика фани тараққиётида қандай туб бурилишлар бўлди?
4. Ўзбекистонда ижтимоий лингвистиканинг муҳим вазифалари нималардан иборат?

Таянч сўзлар

Тил халқ ва миллат кўзгуси, тил фактори, тил сиёсати, инсоннинг лисоний хулқи, сўз ишлатиш жараёни, ҳозирги социолингвистика, марказий ядро, миллат ва элатлар.

ЎЗБЕК МУЛОҚОТ ХУЛҚИНИНГ ИЖТИМОЙ-ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

1. Мулоқот хулқи ҳақида умумий тушунча
2. Мулоқотда нолисоний воситалардан фойдаланиш
3. Мулоқот хулқининг ижтимоий моҳияти

Тилшуносликда тилнинг ижтимоий яшаши ва ижтимоий тараққиёт шароитини ўрганувчи соҳа сифатида юзага келган социологлар ва тилшуносларнинг тобора бир-бирига яқинлаштираётган замонавий-социолингвистика шу фан соҳасидаги ўта назарийлик, нотиклик ва айнан шунинг оқибатида юзага келаётган айрим нуқсонларни кўрсатиб бермоқда. Бунга мулоқот жараёнининг ўта мураккаб ва серқирра эканлигини ва худди шунинг учун ҳам алоҳида бир фаннинг ўзи бу муаммони яхлит тадқиқ этишга ожизлик қилганлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Натижада, **социолингвистика, этнолингвистика, психолингвистика** каби янги соҳа ва йўналишлар юзага келди, инсон нутқини айнан мана шундай туташ нуқтасида тадқиқ этиш ўта мураккаб жараён бўлган мулоқотнинг асл моҳиятини, унинг ўзига хос қонуниятларини атрофлича ўрганиш имконини беради. Умуман, бугунги кунга келиб, мулоқотлар жараёнини комплекс, яъни ижтимоий-лисоний аспектда тадқиқ этишга эҳтиёж пайдо бўлди. **Мулоқот деганда алоқа, фикр алмашилиш, сўзлашиш жараёнида бевосита ва билвосита қатнашадиган таркибий қисмлар назарда тутилади.**

Маълумки, ҳар қандай мулоқотда сўзловчи ва тингловчи компонентлар сифатида, албатта, иштирок этади. Бу муаммога бағишланган кўпгина адабиётларда сўзловчи, яъни хабар берувчи, гапирувчи адресант коммуникатор

деб, адресантнинг нутқи қаратилган шахс тингловчи, адресат коммуникант деб мулоқотда бевосита иштирок этувчи омиллар эса таъсир бирликлари деб юритилади. Таъсир бирликларини шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга бўлиб таҳлил этилади:

I. Ички таъсир бирликлари. Бунга адресант ва адресат шахси билан бевосита боғлиқ қуйидаги белги-хусусиятлар киради,: миллати, жинси, ёши, ижтимоий белгилари **ТБ** га яқинлик даражаси.

II. Ташқи таъсир бирликлари. Бунга мулоқотга таъсир этувчи қуйидаги ташқи омиллар киради:

I. Мулоқот вақти, вазият, ҳолат: ижтимоий муҳит. Европалик қатор тилшунос олимлар, хусусан Амстердам (Голландия) университетининг профессори, нуфузли лингвист Тайн А ван Дейн **МХ** масаласига доир кенг қамровли тадқиқотлари билан муҳим ишлар қилган. Унинг фикрича, **МХ** замонавий лингвистик грамматика, матн тушунчаси ва унинг пайдо бўлишида, оммавий ахборот тизимида тилнинг тутган ўрни каби масалаларни ижтимоий-лисоний нуқтаи-назардан тадқиқ этишда катта аҳамият касб этади.

Мулоқот хулқи (**МХ**) муаммосини миллий характер-миллат аҳолисининг ўзига хос урф-одатлари, қадрият ва анъаналари (ташқи **ТБ**) ни ҳисобга олмасдан туриб ўрганиш мутлақо мумкин эмас. Чунки **МХ** миллат характерининг узвий бир қисми бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. **Миллий характер деганда, маълум ижтимоий гуруҳ ўртасида асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб келган ўзига хосликлар мажмуи тушунилади.** Миллий характерга мазкур миллат аҳолиси сиғинадиган дин, атроф-муҳит ва ижтимоий турмуш тарзи жиддий таъсир кўрсатади ва бу таъсир ўз-ўзидан **МХ** да намоён бўлади.

Нолисоний воситаларни қўллашда ҳам миллий ўзига хосликлар кузатилади. Жумладан, шундай имо-ишоралар борки, улар шартли характерга эга бўлиб, миллий хусусиятлар касб этиши мумкин. Чунки у жамоа томонидан маълум маънони ифодалашдир. Бошқа бир этник гуруҳда эса бу ишора ё ҳеч қандай коммуникатив вазифа бажармайди ёки бошқа маънони англатиши мумкин. Масалан, **Америка, Англия, Австралия ва Янги Зеландияда бош бармоқни тепага қилиш, асосан, ўткинчи машинани тўхтатиш, тўсиш учун қўлланилса, Грецияда бу ишора-овозингни ўчир, бас қил маъноларини** англатади.

Дунё тилларининг аксариятида сўзловчи суҳбатдоши учун энг зарур деб билган маълумотни, муҳим нарса-ҳодисаларни олдин, унча зарур бўлмаган маълумотларни, қўшимча изоҳларни, дафъатан эсга келиб қолган нарса-ҳодисаларни кейин айтади.

Масалан, **-Мехмонлар келар эмиш эртага-. -Аям бериб юборди курут...** - каби.

Мулоқот жараёнида сўзга белги сифатида муносабатда бўлиш фақат салбий маъно англатадиган сўзларга нисбатан бўлмай, балки ҳар қандай тил

бирлигига нисбатан ҳам бўлиши мумкин. Масалан, радио ва телевидениеда милиция ходимлари баъзан ўз нутқларида айрим мулоҳазаларга кўра, -Ҳозирча жиноятчиларнинг исми-шарифини айтмаймиз- деган жумлани қўллаб юборишади. Бундан маълум бўладики, уларнинг исми шарифи изофали бирикмасининг маъносини билмайдилар.

Мулоқотда хатто сукут (жим туриш, гапирмаслик) ҳам новербал информация воситаси, услубий фигура сифатида иштирок этади ва ситуатив, социал ҳамда психологик факторларга боғлиқ ҳолда ўзига хос коммуникатив мазмун ифодалайди. Жумладан, **Сукут- аломати ризо** ибораси русларнинг **Молчание-знак согласия** деган гапи билан айнан мос келса, немислар нутқида қўлланиладиган **Keyn antvort izot eysh ayn antvort**, яъни **Жавоб бермасликнинг ўзи ҳам жавобдир**. Бу эса **Ахмоққа жавоб-сукут** деган ўзбек халқ мақоли мазмунига анча мос келади.

Мулоқот инсон психологияси ва физиологияси билан анча чамбарчас боғлиқ ҳодисадир. Чунки ҳар қандай нутқ тафаккур билан, тафаккур эса руҳият билан боғлиқдир. Танани руҳ бошқариб туради. Демак, руҳга таъсир этган ҳар қандай нарса танага ҳам таъсир этади. Буларнинг ҳаммаси мулоқотнинг психофизиологик аспектини ташкил этади. Масалан, **Меҳмонни сийласанг, итига суяк ташла, Меҳмоннинг итини тур дема, Меҳмоннинг олдида мушугини пишт дема** каби турмуш тажрибалари асосида юзага келган қатор ўзбек халқ мақолларидан ҳам маълумки, кишининг ўзига бўлган муносабатини унинг нарсага бўлган муносабати орқали ҳам ифодалаш мумкин. Ўзбек **МХ** да бундай ҳолат, айниқса, жуда кўп кузатилган. Хулоса қилиб айтганда, мулоқот хулқи инсон руҳий кайфиятининг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, у орқали ҳар бир халқ ва миллатнинг ўй-фикри, яшаш тарзи, турмуши, урф-одатлари, анъаналари ва бошқа ижтимоий жиҳатлари акс этади.

Савол ва топшириқлар:

1. Мулоқот хулқи деганда нимани тушунаси?
2. Мулоқотда фикр алмашиниш нима жараёнида юзага келади?
3. Мулоқотда ички ва ташқи таъсир бирликларининг ўрни?
4. Мулоқотда нолисоний воситаларни қўллаш қандай аҳамият касб этади?

Таянч сўзлар

Тилнинг ижтимоий мавжудлиги, мулоқотнинг мавжудлиги, сўзловчи, тингловчи, ички таъсир бирликлари, ташқи таъсир бирликлари, мулоқот вақти, ижтимоий муҳит.

Тест

1. Социолингвистика шаклланиш, тараққиёт нуқтаи назаридан тилнинг қайси жиҳатларини ўрганади?
 - А) тилнинг жамиятга хизматини
 - В) ҳаёт қонуниятларини
 - С) жамиятнинг тилга хизматини
 - Д) А ва С жавоблар
2. Социолингвистикани фан сифатида ўрганиш жараёнида унинг қайси томонларига эътибор қаратилади?
 - А) умуминсоний ва сиёсий хусусиятлари
 - В) ўзаро боғлиқлигини ўрганиш
 - С) ижтимоий диалект сифатидаги ўрнини
 - Д) тил ва жамият ўртасидаги муносабатлар
3. Социолингвистика фанини тор ва кенг маънода талқин этишни қайси тилшунос олим илгари сурган эди?
 - А) В.Жирмунский
 - В) Б.Головин
 - С) Ф.Филин
 - Д) Г.Степанов
4. Сўзловчининг ижтимоий белгиларига нималар киради?
 - А) алоқа-аралашув, нутқ мазмуни
 - В) умумжаҳон ва келажак тили
 - С) ижтимоий –услубий бўлиниш
 - Д) ёшига, вазифасига, билимига кўра белгилари
5. Ижтимоий лингвистика деб аталиш асосида қандай маънолар келиб чиқади?
 - А) тил ва жамият ўртасидаги хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлиги
 - В) тилнинг умуминсоний муносабатдаги ўрни
 - С) ижтимоий диалектларнинг ижтимоий тил моҳиятларини белгиловчи хусусиятлари
 - Д) А, В, С жавоблар
6. Ҳозирги тилшуносликка эътибор билан қарасак, бу фан ижтимоий тил билимлари ҳисобланиб, фан ва тил қонуниятлари ўртасидаги ўзаро боғланиш мавжуд. Ушбу фикр қуйида берилган олимлардан қайси бирига тегишли?
 - А) Н. Николский
 - В) А. Швейцар

- С) А. Баранников
Д) Тўғри жавоб йўк
7. 70-80 йиллар ижтимоий тилшунослигида тил уюшмалари қандай ҳолатлар асосида шаклланган эди?
- А) тиллар ўртасидаги ўзаро алоқалар таъсирида
В) социологлар ва тилшунослар ҳамкорлигида
С) кўп тиллилик асосида
Д) тилларни қиёсий чоғиштириш асосида.
8. Тилдан ташқари услубий маънолар ҳосил қилувчи қисқа тил ҳодисалари ҳамда вариантлар хусусида фикрлар билдирган олим қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
- А) А.Боровков
В) С.Денисов
С) В.Степанов
Д) А, В жавоблар
9. Синхрон социолингвистиканинг объектига хос бўлган тушунчалар?
- А) ҳозирги бутун дунё тили, тил регионлари
В) давлат ва халқ тилларининг ҳозирги ҳаёти
С) тилда ҳозир нима мавжуд бўлса
Д) А, В, С жавоблар
10. Синхрон социолингвистика методологик жиҳатдан таҳлил қилинганда нималарни ўрганади?
- А) тил тизим ва унинг қурилишидаги турли хил воситаларни
В) сифат ва самарадорлик муносабатларни
С) адабий тил ва унинг нормаларини
Д) барча жавоб тўғри
12. Бадиий асар тили кўламдорлигини таъминловчи восита нималар билан характерланади?
- А) шу тилнинг эстетик кўламдорлигини таъминловчи воситаларга бойлиги
В) халқ оғзаки тилидан фойдаланиш
С) жонли сўзлашув тили асосида
Д) В, С жавоблар
13. Адабий тил деганда қандай тил тушунилади?
- А) кенг маънода тарихан шаклланган
В) сўз усталари томонидан қайта ишланган, сайқал берилган
С) жамиятда киши фаолиятининг барча тармоқлари билан узвий боғланган
Д) барча жавоб тўғри
14. Адабий тил ва миллий тил ўртасидаги ўзаро фарқни кўрсатувчи хусусият нимада ?
- А) тилнинг миллий формаси унинг ҳаётий формалардан бири эмас, абадий тил эса унинг ҳаётий шаклидир

- В) миллий тил маълум бир давр маҳсули, адабий тил эса ундан олдин
мавжуд бўлган тил
- С) миллий тил кўп вазилавий тил, адабий тил эса бундан мустасно
- Д) А, В жавоблар
15. Жонли сўзлашув тили қандай тил имкониятлари асосида тараққий этиб
боради?
- А) адабий тил имкониятлари асосида
- В) диалектлар таъсири натижасида
- С) адабий тил таъсирида
- Д) тўғри жавоб йўқ
16. Е.Поливанов жонли сўзлашув тилини неча хил номланиш асосида талқин
этади?
- А) 2 хил
- В) 3 хил
- С) 4 хил
- Д) барча жавоб тўғри
17. Тилнинг умумий хусусиятлари дейилганда нималар назарда тутилади?
- А) диалогик, монологик, нутқ кўринишлари назарда тутилади
- В) унда ёзма ва оғзаки тил қонуниятлари назарда тутилади
- С) тилнинг вазилавий белгилари
- Д) худудий диалектлар ва тил қонуниятлари
18. Тил ҳаётий шаклининг оғзаки адабий тилга ҳам, тилнинг бошқа ҳар қандай
шаклларига қарама-қарши қўйиладиган формаси нима?
- А) сўзлашув тили
- В) халқ оғзаки тили
- С) умумхалқ тили
- Д) жаргон ва арголар
19. Халқ оғзаки тили қандай материаллар асосида юзага келади?
- А) адабий тил материаллари асосида
- В) диалект ва лаҳжалар таъсирида
- С) халқ оғзаки ижодиёти материаллари асосида
- Д) умумхалқ тилининг бошқа кўринишлари таъсирида
20. Халқ оғзаки тилининг умумхалқ тилнинг бошқа кўринишларидан фарқи
нимада?
- А) халқ оғзаки тилини халқ яратади
- В) халқнинг узоқ ҳаётий тажрибалари ҳамда меҳнат якунлари шу тилда ўз
ифодасини топади
- С) кўп маънолик вазилавий бажаради, синоним ва вариант усулларига
эга бўлади
- Д) А, В жавоблар
21. Қойне қандай ифода воситасини англатувчи тил?

- А) қадимги грек тили турли диалектларида сўзлашувчи халқлар учун умумий ифода воситасини англатувчи тилдир
- В) оғзаки нутқнинг умумлашган ва барқарорлашган бир кўриниши
- С) тилнинг бошқа бирликларидан фарқланиб адабий шаклни ифодаловчи
- Д) А, С жавоблар
22. Ижтимоий диалектларни диалектлар сифатида эмас, балки ижтимоий нутқ вариантлари эканлиги ҳақидаги фикрлар кимга қаратилган?
- А) Б.Серебренников
- В) В.Аврорин
- С) В.Жирмунский
- Д) Е.Поливанов
23. Балиқчилар, овчилар, дарахт кесувчилар, ўймакорлар касбкорлиги билан боғлиқ терминлар ижтимоий диалектларнинг қайси бир кўринишига хос атамалар ҳисобланади?
- А) жаргон ва арголарга хос
- В) диалект ва жаргонларга хос
- С) профессионал тил атамалари
- Д) А, С жавоблар
24. Айрим ижтимоий гуруҳлар томонидан яратилиб, умухалқ тилидан фарқлануви диалект нима деб юритилади?
- А) диалектизмлар
- В) жаргон
- С) профессионал тил
- Д) ижтимоий диалектлар
25. +уладим (**йиқилдим**), йигитнинг баҳоси (**уч**), ўпка (**ҳомийлик қиладиган шахс**) каби жаргонлар қандай табақага мансуб бўлган кишиларга хос?
- А) отарчиларга
- В) талаба ёшларга
- С) оддий шахсларга
- Д) мансабдор шахсларга
26. «Улуғ сўз санъаткори бойни ҳам, деҳқонни ҳам ўз тилида гапиришга мажбур этади». Ушбу фикрлар муаллифи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
- А) Е.Поливанов
- В) В.Аврорин
- С) В.Жирмунский
- Д) В.Белинский
27. Тил ҳолатининг энг содда варианты нима деб юритилади?
- А) блингвизм
- В) диглоссия
- С) полиглоссия
- Д) моноглоссия
28. Тилнинг ижтимоий коммуникатив тизими нима?

- А) икки тиллилик масаласи
 - В) худудий ижтимоий кўриниши
 - С) алоқа аралашув жараёни
 - Д) тилнинг услубий бўлиниши
29. Бир томонлама адабий сўзлашув тилига, иккинчи томонлама эса худудий диалектлар характерига эга бўлган тил қандай номланади?
- А) жонли сўзлашув тили
 - В) халқ оғзаки тили
 - С) диалектал қатлам
 - Д) умумхалқ тили
30. Ижтимоий диалектлар нималарга хизмат қилади?
- А) зиёли табақасига мансуб шахсларга
 - В) ишчи ва деҳқонларга хизмат қилади
 - С) маълум шахслар ёки гуруҳ вакилларига
 - Д) А, В жавоблар
31. Жаргонлар ижтимоий ҳаётда қандай мақсадлар асосида юзага келади?
- А) улар муайян ижтимоий синф вақллари мансабдор шахслар, оддий шахслар ўртасида юз берувчи жараёнларни акс эттиради
 - В) жаргонлар ёшлар нутқларида учраб турадиган ҳодисадир
 - С) ижтимоий муҳитларда айрим шахсларнинг шахсий манфаатларини яшириш туфайли юзага келган ҳодисадир
 - Д) А, В, С жавоблар
32. Ижтимоий диалектлар сирасига нималар киради?
- А) жонли сўзлашув тили, профессионал тил, ижтимоий диалектлар
 - В) диалектизм, халқ оғзаки тили, жаргонлар
 - С) диалектизмлар. профессионал тил, жаргон ва арголар
 - Д) А, В жавоблар
33. Моногlossия қайси тилларга хос?
- А) адабий тил ва халқ оғзаки тили
 - В) адабий тил, ижтимоий диалектлар
 - С) диалект, уруғ, қабила тиллари
 - Д) адабий тил, жонли сўзлашув тили
34. Социолингвистика тилнинг қайси томонларини ўрганади?
- А) тилнинг ташқи- функционал томони
 - В) ички- грамматик қурилиши
 - С) адабий тил ва шеваларни
 - Д) А, В жавоблар
35. Тилнинг ҳолати деганда нима тушунилади?
- А) тилнинг ҳолати деганда тилнинг ҳамма вариантларининг йиғиндиси тушунилади
 - В) турли формадаги тил оилалари алоқаси тушунилади
 - С) тилнинг яшаш ҳолати, унинг ижтимоий факторлари тушунилади

- Д) барча жавоб тўғри
36. Тилнинг вазияти дейилганда нима тушунилади?
А) унинг яшаши, ривожланиши, тараққиёти тушунилади
В) мулоқот жараёнида тил имкониятларининг тўғри сарфланиши тушунилади
С) турли формадаги тил оилалари алоқасининг маълум тарихий шароитда конкрет кўриниши тушунилади
Д) А, В жавоблар
37. Тилнинг мавжудлиги деганда нима назарда тутилади?
А) тил мавжуд ҳодиса, унинг яшаши, ривожланиши
В) мураккаб ижтимоий – лисоний ҳодиса
С) тараққиёти бевосита тил мавжудлигини белгилайди
Д) А, С жавоблар
38. Икки тиллиликнинг территориал чегараланганлиги нималар билан белгиланади?
А) икки халқ, миллат ёки элат вакилларнинг ҳаёт кечиришлари
В) уларнинг иқтисодий турмуш шароитлари
С) маданияти, урф-одатларида бир хиллиликнинг юзага келиши
Д) барча жавоб тўғри
39. Икки тиллилик индивидуал ҳодиса-ми? ёки ижтимоий-ми?
А) индивидуал ҳодиса
В) ижтимоий ҳодиса
С) индивидуал ва ижтимоий ҳодиса
Д) А, С жавоблар
40. Икки тиллилик шароитида тилларнинг ички қурилишида қандай ҳодиса юз беради?
А) бир тилдан иккинчи тилга доимо сўзлар кўчиб ўтади
В) бир тил луғат таркиби иккинчи тилдан олинган сўзлар ҳисобига бойиб боради
С) тилларнинг ички қурилишида бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш ҳодисаси юз беради
Д) А, В жавоблар
41. Икки тиллиликнинг ижтимоий ҳодиса дейилишига сабаб нима?
А) ҳар икки тилнинг тенглигини назарда тутилиши
В) объектив ва субъектив шароитлар
С) буйруқбозлик ва қарорлар
Д) тиллар ўртасидаги функционал тенгсизлик
42. Экспрессивлик дейилганда нима назарда тутилади?
А) маъно кучайтирилиши, нутқда таъсирчанликнинг оширилиши,
В) шакл ва мазмуний маъно касб этиш
С) ижтимоий билим ва муаммоларни ҳал этиш
Д) А, В, С жавоблар

43. Макросфера асосидаги тилларга қандай тиллар киради?
- А) халқлар ўртасидаги муносабатларда барча халқларга хизмат қилувчи тиллар
 - В) худудий тил, жонли шаклдаги тиллар
 - С) умумхалқ тили доирасидаги кўринишлар
 - Д) тўғри жавоб йўқ
44. Маълум бир мамлакат халқлари тилига хос бўлган тил қандай юритилади?
- А) эсперанто
 - В) худудий тил
 - С) миллатлараро тил
 - Д) интерлингвистика
45. XIX асрнинг 60-йилларидаёқ тил тараққиётини ички ва ташқи хусусиятлари ҳақида тўхталиб, тилнинг ташқи томондан ривож тарихий тараққиёт ва унинг тарихий адабиёти билан боғлиқ бўлса, ички томонидан эса шу фанни текшириш жараёнида ўзига таянади... деган фикрлар муаллифи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
- А) Булаховский
 - В) Бодуэн де Куртенэ
 - С) Марр
 - Д) тўғри жавоб йўқ
46. Диахрония қандай маънони англатади?
- А) ўтмиш билан боғлиқ маънони
 - В) ҳозирги давр тушунчаси
 - С) икки давр билан боғлиқ маънони
 - Д) умумий ва муштаракликни
47. Ички ва ташқи факторлар асосида тилнинг қайси жихатлари ўрганилади?
- А) тарихий тилнинг эволюцияси ҳамда унинг ўзаро алоқадорлиги
 - В) ижтимоий тарихий тилнинг типлари
 - С) тилнинг тараққиёт қонуниятлари
 - Д) шеърият дунёсининг вужудга келтиришдаги ўрни
48. Тарихий ижтимоий тилнинг илк даври қачон пайдо бўлган?
- А) милoddан аввалги 5 асрда
 - В) милoddан аввалги 3 асрда
 - С) ибтидоий жамоа тузуми даврида
 - Д) тўғри жавоб йўқ
49. Уруғ ва қабила тиллари тарихий ижтимоий тилнинг қайси даврига хос?
- А) феодал даврига
 - В) ибтидоий даврига
 - С) кулчилик даврига
 - Д) капитализм даври билан боғлиқ
50. Худудий диалектлар, койне тарихий ижтимоий тилнинг қайси даврида пайдо бўлган?

- А) феодал даврида
- В) капитализм даврида
- С) ибтидоий даврида
- Д) кулчилик тузуми даврида

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. Ахманова О. Словарь лингвистических терминов. -М.: «Наука», 1966.
3. Аврорин В. Проблемы изучения функциональной стороны языка. // Вопросы определить социалингвистики. -М.: «Наука», 1975.
4. Бондалетов В. Социальная лингвистика. –М.: Просвещение, 1987.
5. Бодуэн де Куртэне. Избранные труды по объему языкознания. М.: «Наука», 1957.
6. Баскаков А. Социально-экономические и этнолингвистические-русского двуязычие и Азербайджане. «Социологические проблемы развивающихся стран». –М.: 1975,С. 273-274
7. Виноградов В. Литературный язык. –М.: «Наука», 1978.
8. Головин Б. Общее языкознание. -М.:1979.
9. Дешериев.Ю. Социальная лингвистика: К основам общей теории.

- М.: «Наука». 1977.
10. Жирмунский В. Вопросы социальной лингвистики. -М.: «Наука», 1969.
 11. Ларин.Б. История русского языка и общее языкознание. -М.: «Просвещение», 1977.
 12. Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Д Д.-Т.2000.
 13. Никольский Л. О предмете социолингвистики // Вопросы языкознания. -М.: 1974.
 14. Никольский Л. Синхронная социолингвистика.-М.: «Наука».1976.
 15. Кожин А. Литературной язык Московской Руси. –М.: 1984.
 16. Степанов Г. Типология языковых состояний и ситуаций в странах романской речи. -М.: «Наука», 1976
 17. Филин П. Очерки по теории языкознания. -М.: «Наука», 1982.
 18. Швейцар А. Современная социолингвистика . -М.: «Наука», 1976.
 19. Юсупов Э. «Миллий манфаатлар ва миллий муаммолар». // «Шарқ юлдузи». №12, 6-б
 20. Ҳожиев А.П. Лингвистик терминларнинг қисқача луғати. -Т.: 2001.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
Социолингвистиканинг предмети, мақсади ва вазифалари	4
Социолингвистика тарихи	9
Синхрон социолингвистиканинг мазмуни ва мундарижаси.....	15
Бадиий асар тилининг ижтимоий моҳияти.....	18
Адабий тил. Жонли сўзлашув тили.....	23
Халқ оғзаки тили.....	26
Койне.....	29
Диалектал қатлам ва унинг ижтимоий моҳияти.....	31
Диглоссия. Тилнинг ҳолати ва вазияти.....	34
Икки тиллилик ва унинг ижтимоий асослари.....	36
Тилнинг функционал типологияси.....	39
Диахрон социолингвистика ва унинг муаммолари.....	42

Тарихий-ижтимоий тилнинг босқичлари.....	44
Ижтимоий лингвистика фанининг текшириш усуллари.....	47
Ўзбек адабий тили тарихини социолингвистик асосда ўрганиш.....	49
Мустақиллик йилларида ижтимоий лингвистика.....	53
Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари.....	56
Тест.....	59
Адабиётлар.....	.67

Рўзиқул Нормуродов

СОЦИОЛИНГВИСТИКА

Услубий қўлланма

**Термиз давлат университети ўқув, илмий-методик кенгаши томонидан
нашрга тавсия этилган.**

Масъул муҳаррир:
Техник муҳаррир:
Саҳифаловчи:

проф.Ё.Тожиев
Ў.Холиёров
С.Ашуралиева

Теришга берилди: 10.01.2008 й. Босишга рухсат этилди : 24.01.2008 й.
Термиз давлат университети компьютерида терилди ва нусха кўпайтириш
бўлими «Ризогриф»да кўпайтирилди. 4,0 босма тобоқ. Адади 300. Манзил:
Термиз ш., Ф.Хўжаев кўчаси 43-уй.

70,1,68,3,66,5,64,7,62,9,60,11,58,13,56,15,54,17,52,19,50,21,48,23,46,25,44,27,42,29,42,31,40,33,38,35
2,69,4,67,6,65,8,63,10,61,12,59,14,57,16,55,18,53,20,51,22,49,24,47,26,45,28,43,30,41,32,41,34,39,36,37

